



«Farg'ona» dala-o'quv maydonida Sharqiy harbiy okrug qo'shinlari radiatsion, kimyoviy-biologik muhofaza bo'linmalari mutaxassislari ishtirokida o'quv-uslubiy yig'in o'tkazildi.

6-sahifa ▶▶

● Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqa boshlagan ● 2022-yil 29-iyul, №30 (2989)




**YURTDOSHIM,
BOG'INGGA BIR
NIHOL QADA...**

8-sahifa ▶▶

XALQ VA ARMIYA – BIR TAN-U BIR JON!

VATANPARVAR

www.mv-vatanparvar.uz IJTIMOIY VA MAJLIS PARVARLIK GAZETASI



Yandex Niderlandiyada ro'yxatdan o'tgan Rossiya transmilliy kompaniyasi bo'lib, dunyoning bir necha mamlakatida tarmoqdagi qidiruv tizimi, Internet portallari va xizmatlariga ega.

**HARBIYLAR
UCHUN
XATARLI
ILOVALAR**

10-sahifa ▶▶



**SNAYPERLARNI
KASHF QILGAN QUSH**

13-sahifa ▶▶

**TOG'DA OSHIRILAYOTGAN
TAJIRIBA**

Mudofaa vazirligi «Chimyon» tog' tayyorgarligi o'quv-mashqlar markazi doim harbiy xizmatchilar bilan gavjum. Bu yerda Vatan himoyachilari tog'li hududlardagi qiyin sharoitlarda jang olib borish bo'yicha bilim va malakalarini mustahkamlab, tajribalarini oshiradi.



4-5-sahifalar ▶▶

@ vatanparvar-bt@umail.uz

t.me/mv_vatanparvar_uz
t.me/mudofaavazirligi

facebook.com/mudofaavazirligi

instagram.com/mudofaavazirligi

youtube.com/c/uzarmiya

Tahririyat
haqida
ma'lumot

«АФҒОНИСТОН: ХАВФСИЗЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Хурматли делегациялар рахбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

«Афғонистон: хавфсизлик ва иқтисодий тараққиёт» мавзусидаги Тошкент халқаро конференциясининг барча иштирокчиларини қутлашдан бағоят мамнунман.

Ушбу форумни ўтказиш тўғрисидаги ташаббусимизни қўллаб-қувватлагани учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби Антониу Гутерриш жанобларига алоҳида миннатдорлик билдираман.

Анжуман ишида БМТ Бош қотибининг вакили жаноб Маркус Потцел иштирок этаётгани Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги мақсадларга қатъий содиқ эканидан далолат беради.

Европа Иттифоқи ва Европа мамлакатлари, Хитой, Россия, АҚШ, Марказий ва Жанубий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ, Осиё-Тинч океани минтақалари давлатлари махсус вакилларининг конференцияда иштирок этаётгани эса бугунги учрашувнинг аҳамиятини янада кучайтирмоқда. Сизлар Афғонистон муаммоларини ҳал этиш ва афғон халқига ёрдам кўрсатиш бўйича қарорлар қабул қилишда бевосита қатнашиб келмоқдасиз.

Биз бугунги форумда Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, шунингдек, халқаро молиявий институтлар ва етакчи таҳлил марказлари вакилларини кўриб турганимиздан хурсандмиз.

Анжуманда иштирок этаётган ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи жаноб Амир Хон Муттақий бошчилигидаги нуфузли

Афғонистон делегациясини ҳам қутлаймиз.

Мазкур конференция Афғонистоннинг янги ҳукумати билан афғон халқи ва бутун халқаро ҳамжамият манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланган ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан амалий фикр алмашиш учун имкон яратади, деб ишонамиз.

Хурматли конференция иштирокчилари!

Ўзбек ва афғон халқлари минг йиллар давомида ёнма-ён яшаб келади. Бизни умумий маданий, маънавий ва тарихий қадриятлар, ягона дин ва буюк аждодларимизнинг мероси бирлаштириб туради.

Таъкидлаш керакки, Амударёнинг нариги соҳилида тинчлик бўлмаса, Ўзбекистонда ва Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарор тараққиётга эришиб бўлмайди.

Шу сабабли ўзининг янги тарихида чуқур ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар инқирозга дуч келган Афғонистонга нисбатан дунёда эътибор сусайиб бораётгани хавотир уйғотмасдан қолмайди.

Аминмизки, жаҳон ҳамжамияти бугун 1990-йиллардаги ҳаттоларни қайта такрорламайди, уларни четлаб ўта олади ва бу мақсадга албатта эришиш лозим. Афғонистоннинг халқаро майдонда яқкалаб қўйилиши гуманитар вазиятнинг янада ёмонлашувига олиб келиши муқаррар. Шу боис бундай ҳолатга йўл қўймаслик муҳимдир, чунки гап миллионлаб инсонларнинг тақдир ҳақида бормоқда.

Ҳозирги пайтда Афғонистон Муваққат ҳукумати мамлакатда тинчликни қарор топтириш бўйича муайян қадамлар қўймоқда,

ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилашга, қўшни давлатлар билан дўстона алоқалар, халқаро ҳамжамият билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга ҳаракат қилмоқда. Биз ушбу саъй-ҳаракатларни рағбатлантиришимиз ва қўллаб-қувватлашимиз зарур.

Шу билан бирга, давлат бошқарувида афғон жамиятининг барча қатламларидан вакиллар кенг иштирок этадиган таркибни шакллантириш, инсон, айниқса, хотин-қизлар, барча миллий ва диний гуруҳларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш Афғонистонда узоқ муддатли тинчлик ўрнатишнинг фундаментали асоси бўлиб қолмоқда.

Биз Афғонистоннинг ҳозирги ҳукуматини терроризмнинг ҳар қандай шакли ва кўринишларининг олдини олиш ва уларга қарши курашиш, барча халқаро террорчилик ташкилотлари билан алоқаларни узиш учун ўзининг қатъий иродасини намоён этиб, кескин чоралар кўришга чақирамиз.

Бундай ёндашув Муваққат ҳукуматга бўлган ишончнинг мустаҳкамланишига олиб келади, Афғонистон учун ён-атрофдаги давлатлар ва халқаро ҳамжамият билан дўстлик, яқин қўшничилик ва ўзаро фойдали ҳамкорлик муҳитида барқарор тараққиёт этиш бўйича аниқ истиқболлар очади.

Қадрли дўстлар!

Яқинда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Жанубий ва Марказий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги махсус резолюция ҳам Афғонистонда тинчликни сақлаш халқаро хавфсизликни таъминлаш учун ғоят муҳим аҳамиятга эга эканини тасдиқлади.

Биз, бутун халқаро ҳамжамият афғон халқи билан бирдамликни намоён этишимиз зарур. Биз ўз саъй-ҳаракатларимизни Афғонистоннинг тинч, барқарор ва фаровон ўлкага, терроризм, уруш ва наркотик моддалардан холи мамлакатга айлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратишга сафарбар қилишимиз лозим.

Афғонистон иқтисодиётини қайта тиклаш вазифаси бизнинг умумий устувор йўналишимизга айланиши зарур. Айни шундай қараш жафокаш афғон заманида мустаҳкам тинчлик ўрнатишнинг муҳим шarti ҳисобланади. Бу йўналиш, хусусан, мамлакатнинг минтақалараро иқтисодий жараёнларга интеграциялашувини, инфратузилмага эга лойиҳаларни амалга оширишни ўз ичига олади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар жиҳатдан қайта тиклашга кўмаклашиш борасидаги халқаро саъй-ҳаракатларга, жумладан, йирик трансминтақавий инфратузилма лойиҳаларини илгари сурган ҳолда, салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Сўзимнинг ниҳоясида бугунги конференция фойдали баҳс-мунозаралар учун ҳамда Афғонистон халқининг манфаатлари ва орзу-интилишларига жавоб берадиган, ўзаро келишилган ёндашувларни ишлаб чиқишда самарали мулоқот майдони бўлади, деб умид қиламан.

Конференция фаолиятига, унинг барча иштирокчиларига муваффақият тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ АФҒОНИСТОНДА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 25-26 июль кунлари «Афғонистон: хавфсизлик ва иқтисодий тараққиёт» мавзусида халқаро конференция ўтказилди.

Йиғилишда Европа, Америка қитъалари, Яқин ва Ўрта Шарқ, Осиё-Тинч океани минтақалари, Марказий ва Жанубий Осиё давлатларининг Афғонистон бўйича махсус вакиллари, халқаро ва минтақавий ташкилот раҳбарлари ва мутахассислари, етакчи таҳлилий марказлар вакиллари ҳамда Афғонистон Муваққат ҳукумати делегацияси иштирок этди.

Мазкур анжумандан кўзланган асосий мақсад Афғонистонда гуманитар инқирознинг олдини олиш бўйича кенг қўллаб-қувватлаш ишлаб чиқиш, миллий иқтисодиётни

тиклашга кўмаклашиш, кўп миллатли афғон халқи ва бутун дунё манфаати йўлида ушбу мамлакатни минтақавий ҳамкорлик жараёнига жалб этишдан иборат.

Учрашувни мамлакатимиз ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Владимир Норов очиб бераркан, Афғонистон ҳукумати олдида турган муҳим вазифаларга тўхталди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбарининг конференция иштирокчиларига мурожаатини Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташқи сиёсат масалалари бўйича махсус вакили,

Президент ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши қотиби ўринбосари Абдулазиз Комилов ўқиб эшиттирди.

Афғонистон ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Амирхон Муттақий ўз мамлакатидagi барқарорлик бутун Марказий Осиё минтақасидаги тинчлик ва хавфсизлик гарови эканига алоҳида урғу берди.

Конференция ялпи мажлиси давомида хорижий экспертлар томонидан турли тақлиф, ташаббуслар илгари сурилди, мавзуга оид маърузалар тингланди. Хавфсизлик, ижтимоий-иқтисодий ҳолатни яхшилашга кўмаклашиш бўйича мувофиқлаштирилган ёндашув ва тамойиллар ишлаб чиқиш зарурлиги хусусида яқин фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Анжуман дастурига мувофиқ, турли долзарб мавзуларга бағишланган секция учрашувлари ҳам бўлиб ўтди.

Қўшни Афғонистонда барқарорликни таъминлашга қаратилган гуманитар ҳамда инфратузилмавий лойиҳалар тақдимоти намойиш қилинди.

Тошкент конференциясига ташриф буюрган таниқли хорижлик мутахассислар, тажрибали экспертлар мамлакатимизнинг Марказий Осиёда хавфсизлик, тинчлик ҳамда барқарор тараққиётни таъминлаш, хусусан, Афғонистонни терроризм ва урушдан холи тинч, фаровон мамлакатга айлантириш йўлида олиб бораётган саъй-ҳаракатини юксак баҳолади.

Тадбир якунида Афғонистон бўйича халқаро конференцияга мезбон давлат баёноти қабул қилинди.

Беҳруз ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Улуғбек МАҲМИРЗАЕВ,
ЎЗА МУХБИРЛАРИ

ХАЛҚНИ РОЗИ ҚИЛИШ — БАРЧА РАҲБАРЛАРНИНГ ЭНГ УСТУВОР ВАЗИФАСИ

Президент Шавкат Мирзиёев 26 июль куни аҳоли турмушини яхшилаш ва тадбиркорлар фаоллигини оширишга қаратилган таклифлар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Сўнгги йилларда барча соҳа ва йўналишларда фундаментал ислохотлар амалга оширилди. Тараққиёт стратегияси мамлакатимизда ривожланишнинг янги босқичини бошлаб берди. Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш унинг биринчи мақсади этиб белгиланган.

Иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётдаги барча соҳалар инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулот 5,4 фоиз ўсган. Саноат, қурилиш, савдо ва хизматлар соҳаларидаги ривожланиш суръатлари ҳам, пировардида аҳоли турмушида намоён бўлмоқда.

Шу билан бирга, Халқ қабулхоналари, ижтимоий тармоқлар ва сўровлар орқали соҳа ва ҳудудлардаги муаммолар, одамларнинг адолатли таклифлари ўрганиб борилмоқда. Улар асосида халқимизни рози қиладиган қарорлар қабул қилинмоқда.

Жумладан, тадбиркорлик бўйича лицензия ва рухсатномаларни расмийлаштириш тартиби соддалаштирилди, муддатлари қисқартирилди. Йил бошидан буён 50 мингдан ортиқ янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Аҳоли сотиб олган уйларнинг 28 фоизи ипотека кредитлари ҳисобига молиялаштирилди. 1 сентябрдан бошлаб хусусий секторда ишлаётган аёлларга ҳам давлат бюджетидан 2 миллион сўмлик ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини тўлаб бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Йиғилишда аҳоли ва бизнесни қийнаб келаётган муаммолар, улар бўйича илгари сурилаётган таклиф ва ташаббуслар муҳокама қилинди. Асосли таклифларни қаноатлантириш, одамлар учун қулайликларни ошириш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берилди.


Президент халқимизни рози қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шароитларни яратиш барча раҳбарларнинг энг устувор вазифаси бўлиши кераклигини таъкидлади.

(ЎЗА)

Muvofiqlashtiruvchi kengash

ДОИМИЙ НАЗОРАТ ОСТИДА

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси маҳкамасида мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши ўтказилди.



Унда ҳарбий прокуратура ходимлари, Мудофаа, Фавқуллода вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия, ДХХ Чегара қўшинлари, Ички ишлар вазирлигининг Қоровул қўшинлари, Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш бўйича қўшинлар қўмондонликлари масъул офицерлари иштирок этди. Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг биринчи ўринбосари Баҳодир Худойбердиев олиб борди. Шунингдек, йиғилишда мудофаа вазирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари полковник Ҳамдам Қаршиев ҳам сўзга чиқиб, ўтган давр мобайнида вазирлик тизимида амалга оширилган ишлар бўйича маълумот берди.

Видеоконференц-алоқа тар-

зида ўтган тадбирда Қуролли Кучларда 2022 йилнинг ўтган 6 ойидаги қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот аҳволи, ҳуқуқбузарликлар, жиноятлар содир этилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитлар ҳамда интизомни мустаҳкамлаш борасидаги чора-тадбирлар таҳлил этилди.

– Республика Ҳарбий прокуратураси томонидан ҳарбий қисм ва муассасаларда жиноятчиликка қарши курашиш бўйича доимий мониторинг ишлари олиб борилади, – дейди Республика Ҳарбий прокуратураси бўлим бошлиғи адлия подполковниги Қобил Анорбоев. – Назорат тадбирларида ҳар бир ҳуқуқбузарликнинг асл илдизлари, унга имкон яратган омиллар, олдини олиш ишлари мунтазам равишда ўрганилиб, тегишли тартибда

муносабат билдирилади. Келгусида ноқонуний хатти-ҳаркатга йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирлар белгиланиб, тегишли вазирлик ва идораларга етказилади. Қуролли Кучлар таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ўтказилган бугунги йиғилишда ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила аъзоларининг доимий иш билан бандлигига кўмаклашиш, фарзандларини таълим муассасаларига жойлаштириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Ҳудудий ҳарбий прокуратуралар билан биргаликда жиноятларнинг барвақт олдини олиш, ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда кўрилатган чора-тадбирларнинг нечоғли са-

марадорлиги баҳоланди. Бу борада вазирлик ва идораларнинг таклифлари тингланиб, келгусидаги истиқболли вазифалар белгилаб олинди.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда жиноятчиликка қарши кураш ва олдини олиш мақсадида ҳуқуқбузарлик аҳволини мунтазам таҳлил қилиб, амалий тадбирларни режали, мақсадли ҳамда самарали олиб бориш, шахсий таркибнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада юксалтириш, тарбиявий-мафкуравий ишларда илғор услублардан фойдаланиш ҳамда бошқа масалалар юзасидан аниқ тавсиялар берилиб, яқунда тегишли қарор қабул қилинди.

**Лейтенант
Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
«Vatanparvar»**

Mardi maydonlar

Мудофаа вазирлиги «Чимён» тоғ тайёргарлиги ўқув-машқлар маркази доим ҳарбий хизматчилар билан гавжум. Бу ерда Ватан ҳимоячилари тоғли ҳудудлардаги қийин шароитларда жанг олиб бориш бўйича билим ва малакаларини мустаҳкамлаб, тажрибаларини оширади. Марказда ўқув курслари қишки ва ёзги мавсумлар учун мўлжалланган бўлиб, машғулотлар малакали йўриқчи мутахассислар томонидан замонавий методлар асосида ташкил этилади.



ТОҒДА



Ўн тўрт кунга мўлжалланган ҳақиқатдаги ўқув курслари қўшинлардан келган мутахассис ҳарбий хизматчилар учун «Узлуксиз алоқа», «Аниқ мўлжал» ва «Етакчилик ҳуқуқи» йўналишлари бўйича ўтказилди. Йигитларга дастлаб йўриқчилар томонидан назарий билимлар берилди. Шундан сўнг амалий машғулотларга киришилди.

«Чимён» тоғ тайёргарлиги ўқув-машқлар маркази Чотқол тизмаси этакларида – денгиз сатҳидан 1 700 метр баландликда бунёд этилган. Биз сўз юритмоқчи бўлган амалий машғулотлар эса ундан ҳам баландроқда – ҳаракатланиш ва ҳарбий топшириқларни бажариш мураккаб бўлган ҳудудларда олиб борилмоқда. Аёнки, машғулотда қанча қийин бўлса, жангда шунча осон бўлади.

«Узлуксиз алоқа» йўналишида гуруҳ ҳаракатланиш ва алоқа ўрнатиш қийин бўлган тоғли ҳудудда тўғри йўналиш бўйлаб олға юриш, алоқани тиклаш, шартли душман жойлашган ҳудуд бўйича аниқ координаталар бериш бўйича машғулотларга киришди. Йигитлар ўз билимига таянган ҳолда мураккаб вазиятларни мардонавор енгиб ўтиб, жанговар вазифанинг урдасидан чиқа олди.

«Аниқ мўлжал» ўқув курси тоғда вазифа бажарувчи бўлинмаларнинг ҳудудда жанг олиб бориш ва у ерда хавфсиз ҳаракатланиш кўникмасини оширишга қаратилган. Бунда мерганлар тоғдаги атмосфера босими ва



ОШИРИЛАЁТГАН

ТАЖЖРИМБА



об-ҳавонинг аниқ мўлжал олишга таъсир этувчи хусусиятларини ҳисобга олиши зарур. Курс давомида лочинни кўзидан беҳато урадиган йўриқчилар ўз тажрибаларига суюнган ҳолда кундузги ва тунги отиш машғулотларни юқори даражада ташкил этмоқда. Хусусан, ҳудудга қараб тўғри ниқобланиш, қулай жой танлаш ва нишонни беҳато уриш мерганликнинг энг муҳим шартлари экани уқтирилаётир. Пастдан тепага ва тепадан пастга отиш машғулотларидаги курс иштирокчиларининг натижалари эса аъло даражада.

«Етакчилик ҳуқуқи» йўналиши бўйича ўқув курсларида қатнашаётган йигитлар тоғ анжомларини тўғри ишлатиш, уларга техник хизмат кўрсатиш, тоғ ҳудудидаги барча тўсиқлардан ўтиш, қояда ва ўтли қияликларда ҳаракатланиш



техникаси ва усуллари бўйича амалий машғулотлар олиб бормоқда. Қояга арқон ёрдамида кўтарилиш ва тушиш, қулай позиция эгаллаш ва жанговар вазифани бажаришдаги ҳаракатлари аниқса, таҳсинга сазовор.

Бир сўз билан айтганда, «Чимён» тоғ тайёргарлиги ўқув-машқлар маркази бугун Қуролли Кучларимизнинг тоғли ҳудудларда жанговар вазифаларни бажаришга жалб этиладиган бўлинмалар мутахассис ва шахсий таркибини тайёрлаш борасида ўзига хос мактаб ярата олган. Бу ерда таҳсил олаётган ҳарбий хизматчилар, албатта, миллий армиямизнинг кучига куч, қудратига қудрат кўшади.

Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
«Vatanparvar»

O`quv-uslubiy mashg`ulot

ТЕЗКОР, СИФАТЛИ

Шундай соҳа вакиллари борки, уларни бугунги кун қаҳрамони десак, айна ҳақиқат бўлади. Улар тиббиёт ходимларидир. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиб бораётган бир вақтда шифокорларнинг касбий маҳоратини янада такомиллаштириш давр талабидир.

Шарқий ҳарбий округ Фарғона ҳарбий госпитали шахсий таркибининг жанговар шайлиги, соҳа бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида икки кунлик ўқув-услубий машғулот бўлиб ўтди. Округ масъул офицерлари назоратида олиб борилган машғулотга гарнизонда жойлашган ҳамкорликдаги куч тузилмалари, ҳарбий қисм ва муассасаларнинг тиббиёт ходимлари ҳам жалб қилинди.

Эрта тонгдан ҳарбий госпиталга берилган «Йиғин» сигнали бўйича барча шахсий таркиб ўз вақтида етиб келди ва бўлинма



ТИББИЙ ХИЗМАТ



томонидан белгилаб берилган вазифалар бўйича хизматни давом эттирди. Ҳарбий шифокорлар машғулот билан бир қаторда беморларга зарур муолажа ва тиббий хизмат кўрсатгани алоҳида эътиборга молик.

Госпиталь ҳудудида ташкил этилган барча ўқув нуқталарида соҳа мутахассислари томонидан тиббий ёрдам кўрсатиш жараёни амалий тарзда кўрсатиб берилди. Бемор ҳарбий хизматчилар

ва уларнинг оила аъзолари, фуқароларни қабул қилиш, уларга биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш, жойлаштириш, яқин ҳудуддаги маҳаллий шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш ходимлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш борасидаги амалий кўникмалари мустаҳкамланди.

Мухтасар қилиб айтганда, мутахассислар ўз касбий маҳоратини синовдан ўтказиш, баҳолаш имкониятига эга бўлди. Қолаверса, Фарғона ҳарбий госпитали бугунги кунда ўз олдида қўйилган вазифаларни тезкор ва самарали бажаришга қодир эканини яна бир маротаба намоён қилди.

Malaka

БИЛИМЛАР



«Фарғона» дала-ўқув майдонида Шарқий ҳарбий округ қўшинлари радиацион, кимёвий-биологик муҳофаза бўлинмалари мутахассислари иштирокида ўқув-услубий йиғин ўтказилди.



Унда округ масъул офицерлари шахсий таркиб билан соҳа бўйича ўзлаштирилган билимларни амалда қўллаш кўникмаларини синовдан ўтказди. Бундан кўзланган асосий мақсад мутахассис-

БЕЖИЗ КЕТМАЯПТИ

ларнинг назарий билимларини махсус-тактик тайёргарлик, отиш тайёргарлиги ҳамда жисмоний тайёргарлик орқали амалий кўникмалар билан мустаҳкамлашдан иборат.

Машғулотлар тажрибали офицер ва йўриқчи сержантлар томонидан янги меъёрлар тўпламига асосан кундузи ва тунги шароитда олиб борилди. Барча ўқув фанлари бўйича амалий меъёрлар дастлаб осондан мураккабга, кейинчалик мусобақадорлик тартибда ўтказилди. Йиғин давомида Фарғона гарнизонидаги

десантчилар ҳарбий қисми взводи ва округ алоҳида взводи ўз имкониятларини ишга солиб, юқори натижалар кўрсатди.

Шунингдек, мутахассислар учун хорижий давлатлардан қўшинларга олинган радиацион, кимёвий разведка асбобларини чуқур ўрганиш бўйича қўшимча машғулотлар олиб борилди. Бундай амалий кўникмалар радиацион, кимёвий-биологик муҳофаза бўлинмалари мутахассисларининг жанговар шайлиги ва малакасини оширишга хизмат қилади.

Подполковник Фахриддин НУТФИЛЛАЕВ, Шарқий ҳарбий округ матбуот хизмати бошлиғи

Askar bo'lar yigitning mard

ЖУМАРД ПОСБОНЛАРГА



**ЎҒЛОНИМ – ИШОНЧИМ,
УМИДИМ ЎЗИНГ**

*Мен бахтли онаман, сендек ўғлим бор,
Жасорат йўлида тоблансин жонинг.
Босган изларингни айлай ифтихор,
Онтингга айлансин аҳду паймонинг...*

Мана, Холнисо опанинг неча йиллик орзуси бугун рўёбга чиқди. Ёлғиз жигарпорасини ҳарбий хизматга кузатяпти. Қароғини тўлдирган қувонч ёши, мамнун чеҳрасидаги шукроналикни кўриб, қаршингда бахтли она турганини ҳис қиласан киши.

Оддий аскар Жамшид Шамсиев Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилган. Тавоис қишлоғида вояга етган йигит билан суҳбатлашар эканман, унинг ўзига хос қизиқишлари, иродаси ва шижоати ҳайратимга сабабчи бўлди.

Касбим туфайли юзлаб ҳарбий хизматчилар билан суҳбатлашганман, эътирофга сазовор қирраларини мақолага муҳрлаганман. Аммо Жамшидбекнинг болалигидаги синовлар... Келинг, яхшиси, бунга биргаликда гувоҳ бўламиз.

Холнисо опа умрини ёлғиз фарзанди Жамшидбекка бағишлади, тенгқурларидан кам қилмай оёққа кўйди, унинг орзу дунёси билан яшади. У улғайган сари орзулари ҳам кенг қанот ёзди, спортга, санъатга бўлган қизиқиши юзага чиқа бошлади. Шунингдек, ўт-олов болакай «Ватанимга хизмат қиламан» кўрсатувининг бирорта сонини ўтказиб юбормасди. Кўрсатув бошланмасдан аввалроқ ойнаижаҳон қаршисига келиб, ўтириб оларди. «Мен албатта, ҳарбий бўламан», деган сўзни бот-бот такрорлаб турарди.

«Ўғил боланинг имкон қадар банд бўлгани яхши, – ўйлади она, – мен ишда бўлсам, унинг ҳаракатларини кун бўйи назорат қила олмайман. Энг яхшиси, дарсдан сўнг турли тўғарақларда устозлардан сабоқ олгани маъқул». Онаизор бу борада боласининг истакларига ҳам қулоқ тутди.

Шундай қилиб, қишлоқдаги умумтаълим мактабидан таҳсил олаётган Жамшидбек 4-синфдан бошлаб спорт ва санъат сабоғига қатнай бошлади. Кунлик режими учта таълим даргоҳига тақсимланди. Яъни тушга қадар умумтаълим мактабидан дарслар, соат бирдан тўртгача Мухтор Ашрафий номидаги 3-болалар мусиқа ва санъат мактабидан устози Завқиддин Ху-

сновдан қашқар рубобида куйлар машқ қилиш, тўртдан кейин спортга ихтисослаштирилган мактабда кикбоксинг сирларини эгаллаш. Кўп ўтмай, у болалар ўртасида ўтказилган спорт мусобақаларида иштирок эта бошлади. Ундан кейин...

Ундан кейин эса бўйлари чўзилиб қолган ўн уч, ўн тўрт ёшли ўсмир йигитча туман марказидаги тўйхонада видеомонтаж, расм ишлашни ўрганди, керак чоғда қўшиқ айтди, официантлик қилди.

– Ўғил бола вояга етгач, ота-онасига ҳар томонлама таянч бўлишни истайди, – дейди Жамшидбек ўсмирлик чоғларини эслар экан. – Мусиқа мактабидан сабоқ олган пайтларим «Камалак юлдузлари» номли иқтидорли болалар танловида қашқар рубобида куйлар ижро этиб, туманда биринчи, вилоятда иккинчи ўринни қўлга киритганман. Мусиқага бўлган қизиқишим ва онамга моддий томондан таянч бўлиш учун тўйхонада ишлашимга тўғри келди. Тўғарақлардан сўнг туман марказига велосипедда қатнаб, ишлай бошладим. Бўйим новча бўлгани учун ҳеч ким мени мактаб ўқувчиси деб ўйламасди. Шу тариқа доира, барабан, довул, яъни зарбли чолғуларни ҳамда карнай чалишни ҳам ўргандим. Ҳарбий хизматда эса сафдошларимга дам олиш соатларида гитарада қўшиқлар айтиб бераман.

Оддий аскар Жамшид Шамсиев батальондаги ёнғин ўчириш гуруҳида хизмат қилмоқда. У гуруҳнинг энг фаол посбонларидан эканига гувоҳ бўлдик.

– Муддатли ҳарбий хизмат оддий аскар Шамсиев ўзини тутиши, шижоати, билимдонлиги билан посбонлар ўртасида ажралиб туради, – дейди гуруҳ командири III даражали сержант Дониёр Юлдашев. – Зиммасидаги бурчга доимо масъулиятли. Яқинда ошхонада ёнғин содир бўлгани сабабли, гуруҳимиз посбонлари ҳақиқий синовдан ўтди. «Ёнғин» командаси берилганида Жамшид ҳам машғулотларда эгаллаган билим ва маҳоратини ишга солиб, ёнғинни бартараф этишда фаол иштирок этди. Шунинг учун оддий аскар Шамсиевга ташаккурнома эълон қилинди. Бундай аскарлар гуруҳимиз фахри, албатта.

Шубҳасизки, ташаккурнома забардаст ўғлонни вояга етказган волидаи муҳтарамаси Холнисо опага топширилади. Хизмат ўтаётганига кўп бўлмай туриб, бундай эътирофга сазовор бўлиш... Бунинг учун оддий аскар Шамсиевни табрикласак арзийди.

– Мақсадим муддатли ҳарбий хизматдан сўнг, посбонлик бурчимни шартнома асосида давом эттириш, – дейди суҳбат чоғида Жамшидбек. – Бу орзу менга болалигимдан йўлдош бўлгани учун онам ҳурсанд бўлди, оқ фотиҳа берди. Албатта, ҳарбий хизматда ўзлаштираётган ҳар бир сабоғимда, эришаётган ютуқларимда устоз командирларимнинг ўрни катта. Келажакда албатта уларнинг ишончини, онамнинг умидини оқлайман.



ЁР БЎЛГАЙ ЗАФАР

**МАҚСАД ТОМОН
ДАДИЛ ҚАДАМ**

Муддатли ҳарбий хизмат оддий аскар Шамсиев Самарқанд вилоятининг Жомбойидан. Уни сафдошлари спортчи посбон сифатида билишади. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида таҳсил олган йигит ўқувчилик давридан бошлаб қўл жанги билан шуғулланган. Ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган туман ва вилоят миқёсидаги спорт мусобақаларида қатнашиб, вилоятда беш маротаба биринчи ва иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлган. Ёшлар ўртасида бўлиб ўтган республика чемпионатида эса иккинчи ўринни қўлга киритган. Мусобақалар давомида ўн тўртта медаль, диплом ва фахрий ёрлиқлар соҳибига айланган.

Миллатимизнинг ажойиб урф-одатлари бор. Байраму тўйларда нафақат довруғли полвонлар, балки ёш йигитлар ўртасида ҳам миллий кураш бўлиб ўтади. Давраларда ҳар бир йигит ўз кучини синаб кўриши мумкин. Мактабдаги спорт тўғарағида устози Маъруфжон Тошпўлатовдан миллий кураш сирларини ўзлаштирган Ҳасанжон ҳам мана шундай давраларда эл синовидан ўтган. Ота қизиққани сабаб кўп-қариларда от сурган.

Коллежни битирганидан сўнг мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Жомбой туманидаги марказида сабоқ олган йигит ташкилот томонидан уюштирилган марафонда биринчи ўринни эгаллаб, медаль ва фахрий ёрлиқни қўлга киритди. Забардаст ўғлонни вояга етказган ота-онасига ташаккурнома етказилди. Юз нафар иштирокчи орасида беш километрга югуришда биринчи ўринни эгаллаш... Албатта, бу ютуқларнинг таг-замирида тинимсиз ҳаракат, интилиш ва ўзига бўлган ишонч мужассам.

Қувонарлиси, муддатли ҳарбий хизмат аскарлари сафидан бундай спортчи ўғлонларимиз талайгина.

– Ватан ҳимоячиси бўлиш ҳар томонлама етук бўлиш дегани, – дейди оддий аскар Салимов. – Биз посбонлар назарий ва амалий машғулотларни ўзлаштириш билан бирга, эрта тонг ва кечга томон спорт билан шуғулланамиз. Албатта, илкимиздаги аскарлик бурчимизни талаб даражасида удаллашимизда жисмоний тайёргарликнинг ўрни катта. Жисмонан чиниққан посбон синовларда ортга чекинмайди, жасоратли ишларга қодир бўлади.

Олдимга қўйган асосий мақсадимдан бири келажакда Ватан ҳимоячилари сафидан бўлиш. Мақсадимга эришиш учун албатта, бор билим ва имкониятимни ишга соламан. Она юртимиз тинчлиги ва хурлигининг муносиб ҳимоячиси бўлишга ҳаракат қиламан.

Муддатли ҳарбий хизмат аскарлари билан суҳбат давомида бир ҳақиқатга гувоҳ бўлдим, яъни уларнинг кўплари келажакдаги ҳарбий соҳа билан боғлашни мақсад қилган. Уларни йигитлик бурчига чорлаган ҳам шу эзгу ният бўлса ажабмас. Энг асосийси, ўғлонлар кўксидagi орзулар юксак, мақсадлар улғу. Шундай экан, улар танлаган йўл нурли бўлишини истаб қоламиз.

**Зулфия ЮНУСОВА,
«Vatanparvar»**

Inson qadri uchun

ЮРТДОШИМ, БОҒИНГА БИР НИХОЛ ҚАДА...

БОҒБОН ЕРГА КЎЧАТ
ЎТҚАЗАР ЭКАН, УНИНГ
КЕЛАЖАҚДА СЕРҲОСИЛ
БЎЛИШИДАН, ИНСОНЛАРГА
ФОЙДАСИ ТЕГИШИДАН
УМИДВОР БЎЛАДИ. КЎЧАТ
УНИБ-ЎСГУНИЧА УНИ
ПАРВАРИШЛАЙДИ, ТУРЛИ
ОФАТЛАРДАН АСРАЙДИ,
ҲАР КУНИ СУВ ҚУЯДИ.
ЙИЛЛАР ЎТИБ, БОҒБОН ЎЗИ
ЯРАТГАН БОҒ ИЧИДА ҒАРҚ
ПИШГАН МЕВАЛАРНИ КЎРИБ
РОҲАТЛАНАДИ, МЕҲНАТИ
БЕСАМАР КЕТМАГАНИДАН
ҲУЗУРЛАНАДИ.



Муаллиф суратга олган

Юртимизда «Инсон қадри учун» тамойили асосида амалга оширилаётган ислохотларни боғбоннинг ниҳолга бераётган меҳрига ўхшатаман. Зеро, Ватанимиз ниҳоллари бўлган ёшларга қиланаётган ғамхўрлик ҳам келгусида ўз самарасини беради. Худди шундай ғамхўрликдан қашқадарлик ўғлонлар ҳам четда қолмади. Уларнинг сафарбарлик чақируви резерви йиғини учун тўланадиган маблағлари Ёшлар ишлари агентлиги ҳисобидан қоплаб берилди. Оз эмас, кўп эмас, нақд 1 миллиард 935 миллион 851 минг сўм оилавий моддий шароити оғир, «Ёшлар дафтари»га киритилган 335 нафар йигитнинг келажаги учун сафарбар этилди. Бу ҳали ҳаммаси эмас, 314 нафар ёшнинг ҳайдовчилик курси учун 376 млн 800 минг микродоғдаги тўловлари амалга оширилди. Аслида бу ёшларнинг кўпчилиги оилада боқувчи бўлиб меҳнат қилаётгани сабаб шартнома пулларини тўлаш учун моддий имкониятлари биров чекланган эди. Аммо келажагидан умидвор ва бир туртки орқали ҳаётини тубдан ўзгартиришга қодир бўлган мард ўғлонлар хурсандчилигининг чеки йўқ.

– Ўғлимнинг ҳарбийлик касбига бўлган қизиқиши юқори эканини болалик вақтларидан сезганман, – дейди Шаҳбоз Абдумажидовнинг онаси Дилафрўз Тоғаева. – Телевизорда юртимиз посбонларини кўриб қолса, уларнинг юриш-туришларини ўхшатишга ҳаракат қилар эди. Биз эса оила аъзоларимиз билан унинг бу хатти-ҳаракатларини ижобий баҳолаб, унга янада куч-қувват бағишлар эдик. Ота-она барча фарзандини бирдек яхши кўради ва уларни бировдан кам қилмай ўстирай дейди. Икки нафар ўғлим бор эди. Минг афсус, Шаҳбознинг укаси саломатлиги туфайли оламдан ўтди. Оилавий шароитимиз унчалик ҳам яхши бўлмагани учун дилбандим олдида ўзимни айбдор ҳис этаман. Турмуш ўртоғим билан болаларимизга сизлар бизлардан кўра яхши яшашларингиз зарур, дея айтиб келамиз. Шунданми ёки ўзидаги ҳаёт

сабоқлари туфайлими, ўғлимиз ўз олдига юксак марраларни қўйган.

У ҳарбий бўлишни орзу қилади ва бу мақсадлар сари ҳаракати ва шижоати кучли. Юртбошимизга кўп раҳмат, биз каби ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар учун кўплаб имтиёзлар яратмоқда. Маҳалла фаоллари доимо кўмаклашиб, оғиримизни енгил қилишга ўз ҳиссаларини қўшиб келишяпти. Фарзандим ҳам улгайиб ҳозирда ўзи истаганидек орзуларига етишиш учун астойдил ҳаракат қилапти. Чин юракдан хоҳлаган экан, бугун унинг ҳарбий хизматга бориши учун шартнома пулларини қатор ташкилотлар ҳамкорлигида тўлаб беришди. Бу эса биз учун жуда қувонарли воқеа бўлди. Ўғлим бу ишлардан жудаям мамнун. Ишонаманки, фарзандим келажақда юртимизга нафи тегадиган инсон бўлиб етишади.

Шерхон БОЗОРОВ
(Қамаши тумани):

– Менга шердек қўрқмас бўлсин деб, Шерхон исмини қўйишган. Ҳар бир инсон туғилибдики, эсини таний бошлагач, оппоқ орзулар оғушида яшайди. Мен ҳам болалигимдан поездларга қизиқар эдим. Бунга қарангки, ўша болакайнинг орзулари келажақда мақсадга айланди. Мақсадлар сари одим ташлашда эса, албатта, яхши ўқиш ва уни мустаҳкамлаш учун етарлича шароитлар зарур. Ҳозир онам уй бекаси, укам ва синглим мактаб ўқувчиси. Мен эса оилада ягона боқувчиман. Устачилик билан шуғулланиб топган пулим оиламизнинг яшаши учун етиб-етмай қолади.

Биз ҳеч қачон ҳаётимиздан нолиган эмасмиз. Борига шукр, йўғига қаноат қилиб келмоқдамиз. Битта ишончим бор, мақсадим олий. Бу йўлда ортага қайтмасдан одимлайман. Минг шукрки, давлатимиз томонидан эҳтиёжманд оилаларга ва шу оилада воқеа етган ёшларга кўплаб имкониятлар яратилмоқда. Ҳозир ёшлиқда орзу қилган касбим – темирйўлчи бўлиш учун астойдил ҳаракат қиламан. Ўрта маҳсул таълимни якунлаб, ҳарбий хизматга

бориш учун туманимиздаги муҳофаа ишлари бўлимига учрашдим. Унга тўланадиган шартнома пуллари мени ўйлантириб қўйди. Бунга бўлимдаги ходимларга айтганимда, улар «Ёшлар дафтари» орқали бу муаммони бартараф этиш мумкинлигини таъкидладилар. Мен, бу хабарни эшитиб, вақтни бой бермасдан уларга ўз маълумотларимни тақдим этдим. Мана, тез фурсатларда масала ҳал бўлди. Шартнома пуллари тўлиқ тўлаб берилди. Ҳозирда сафарбарлик чақируви резерви учун ҳарбий хизматга ҳозирлик кўряпман.

Аслиддин ДИЁРОВ
(Қарши тумани):

– Мактабни тамомлаб, Қарши шаҳридаги ахборот технологиялари коллежида таҳсил олдим. Янгиликларни ўқишга ва кузатиб боришга қизиқаман. Яқинда ижтимоий тармоқларнинг бирида «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш курсларида ўқиш харажатларини ва сафарбарлик чақируви резерви хизмати бадалини қоплаш юзасидан эълон қилинган мақолани кузатиб, мен ҳам ўзим яшаётган маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат этдим.

Оилада икки кишимиз. Онам ва мен. Ҳозирда онам нафақада. Маҳалла фаоллари оиламизнинг аҳолини яхши билишади. Улар менга худди шу масала бўйича кўплаб ёшларга кўмак кўрсатилаётганини ва бу борада яхши йўл тутганимни таъкидлашди. Тўғриси айтсам, ҳеч қандай оврагарчиликка учраганим йўқ. Барчаси тез битди. Бу учун барча ташкилотчиларга ўзим ва онам номидан миннатдорлик билдиришмоқчиман. Эндиликда ҳарбий хизматни якунлаб, талаба бўлиш ниятим бор. Ниятим холис ва бунга албатта эришаман.

Шаҳбоз ПИРИМОВ
(Косон тумани):

– Мен мана шу юртда туғилганимдан фахрланаман. Инсон қадри улуғланган бу она диёримизда биз ёшларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг исботига ўз ҳаётим давомида амин бўлдим.

Яқинда ҳарбий хизматга бориш ниятида ўзим истиқомат қилаётган худуддаги муҳофаа ишлари бўлимига мурожаат қилдим. Оилавий шароитимиз туфайли шартнома пулларини тўлаш биз учун анча оғир эди. Чунки оила бошимиз оламдан ўтган, онам уй бекаси, икки акам мавсумий ишчи ва синглим ўқувчи. Ўзим эса шу йили Қарши давлат университетининг психология факультетини тамомладим. Шартнома бўйича таҳсил олганим сабабли ҳарбий хизматга бориш чоғида бироз қийналдим.

Онам ва акаларим билан маслаҳатлашиб, маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат қилдик. Улар эса бу масаламиз ижобий ҳал этилишини билдириб, бизни хурсанд қилишди. «Ёшлар дафтари»га рўйхатга олиб, тез орада бир ойлик ҳарбий хизматга боришим учун шартнома пулларини тўлаб беришларини маълум қилишди.

Қарши шаҳридаги Ёшлар марказида бўлиб ўтган тантанали тадбирда Ёшлар ишлари агентлиги томонидан шартнома пулларим тўлаб берилгани тўғрисидаги сертификатни қабул қилиб олдим. Ўша куни мен каби кўплаб ёшларнинг хурсандчилиги чексиз эди. Вилоятимизнинг ҳар бир туманидан моддий имконияти етмаган ёшларга мана шундай имтиёзлар берилгани биз каби ёшларни бениҳоя мамнун этди.

Ҳумоюн ҲАҚБЕРДИЕВ

(Яккабоғ тумани):

– Биз оилада 5 кишимиз. Мен, онам, икки синглим ва укам. Болалигимиздан онамнинг меҳнат қилиб топган маблағларидан кун кечирганмиз. Ҳозирда бир синглим турмушга чиққан, бири университетда шартнома асосида таҳсил олмоқда. Укам эса ҳали мактаб ўқувчиси. Коллеждаги ўқишимни тамомлаганимдан кейин онамга ёрдамлашиш учун мавсумий ишларда фаолият олиб бордим. Бир оила учун кетадиган харажатларни биласиз, еб-ичиш, кийиниш деганларидек, ишламасақ бўлмайди. Тўғриси айтсам, мен ҳам бошқалар каби ўз орзумдагидек яшашни ва оила аъзоларимни яхши яшашлари учун етарлича шароит қилишни жуда хоҳлайман. Баъзида туни билан ухласдан келажақдаги мақсадларимни ўйлаб чиқаман.

Ҳаётда кимгадир эрта, кимгадир эса кечроқ бўлса ҳам ўз мақсадларига эришиш учун имкониятлар эшиги очилишига ишонаман ва бу йўлда мардондор қадам босаман. Бунинг учун энг аввало, тўғри йўналиш зарур. Фақат тирикчилик дардида юрган кезларимда дўстларим бирин-кетин олийгоҳларга ва ҳарбий хизматга кета бошлади. Мен ҳам онамга бу борада фикр билдириганимда синглим контрактда ўқийди, кетсанг қийналиб қоламан, дедилар. Аммо келажақда тайинли ишни бошини тутишим учун армия сафларида хизмат қилишим кераклигини билардим. Шунда бир ойлик ҳарбий хизматга борсам-чи, деган фикр хаёлимдан ўтди. Бироқ бу борада моддий жиҳатдан муаммо бўлишини билиб, яна кўнглим чўкди. Ўйлар мени қийнаб юрган кезлари бир дўстим маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат қилишимни айтди.

Мен ўйлаб ўтирмасдан биринчи имкониятни амалга ошириш учун маҳалламиз раисига учрадим. Мурожаатимни тинглаган ва шароитимизни тушунган раис, мени юқори ташкилотларга тавсия этди ҳамда муаммо ижобий ҳал қилинди. Ҳозирда ҳарбий хизмат учун тўланадиган пуллар тўлиғича тўланган. Яқинда хизматга кетишга ҳаракатларни бошлаб юборганман. Орзуларим кўп, уларни амалга оширишда эса мамлакатимизда мен каби ёшларга яратилаётган имкониятлар дастурил-амал бўлиб хизмат қилади. Мен эса берилаётган бу каби имкониятлардан оқилона фойдаланиб, келажақда она Ватанимизга содиқ ва керакли инсон бўлиб етишишга ваъда бераман.

Шерзод ШАРИПОВ,
«Vatanparvar»

Davra suhbatlari

МУСТАҲКАМ ОИЛА — САОДАТ САРЧАШМАСИ



Мудофаа вазирлиги қўшинларида ҳарбий оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини яратиш борасида соҳа мутахассислари томонидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Фарғона шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмда «Ҳарбий оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, фарзанд тарбиясида ота-онанинг ўрни» мавзусида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирокида ўтказилди.

Тадбирда қўшинлар қўмондони ўринбосари полковник Толибжон Мирзаев сўнгги йилларда Қуролли Кучларда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда яратилаётган имтиёз ва имкониятларга тўхталиб, ҳарбий хизматчининг аёли деган мақомга муносиб бўлиш ундан қатъий ирода талаб этишини, оила мустаҳкамлиги

йўлида амал қилиниши лозим бўлган тавсиялар юзасидан ўз фикрларини билдирди.

Мудофаа вазирлиги хотин-қизлар ва ҳарбий хизматчиларнинг оилалари билан ишлаш бўйича бош мутахассиси Зулфия Мансурова ҳам ўз фикрларини билдириб, оила ва қариндошлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ҳақида тўхталиб ўтди.

Куннинг иккинчи ярмида масъуллар ҳарбий оилаларга ҳам ташриф буюриб, уларнинг ҳолидан хабар олишди. Бу каби тадбирлар ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига кўрсатилаётган эътиборнинг бир намунаси бўлиши билан бирга, жамият устуни бўлган оила мустаҳкамлигини таъминлаш ҳамда Янги Ўзбекистонда эркин ва фаро-



вон жамият қуришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Наманган вилояти Поп туманининг Оқтепа аҳоли яшаш пунктида жойлашган ҳарбий қисмларнинг бирида ҳам «Оила – кичик Ватан» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унда сўзга чиққанлар ҳарбийлар хизмат фаолиятини тинч, хотиржам олиб боришида оиладаги муҳитнинг осойишталиги, турмуш ўртоғининг оқила, бардошли ва иродали бўлиши катта ёрдам бериши ҳақида тўхталиб,

юрт ҳимоячисининг рафиқаси бўлиш у билан тенг равишда Ватанга хизмат қилиш эканини, бу эса аёлдан ҳам масъулиятни, ҳам матонатни талаб этишини алоҳида таъкидлашди.

Шу куни тадбир иштирокчилари Поп туманида жойлашган «Янги Ўзбекистон» тикув цехида бўлиб, у ердаги шарт-шароит ва тайёр маҳсулотлар билан яқиндан танишишди. Қувонарли жиҳати шундаки, тикувчиларнинг аксарияти ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари бўлиб, улар томонидан замонавий либослар миқозларга етказиб берилмоқда.

Бу каби тадбир Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмда ҳам ўтказилиб, сўз олганлар оиладаги соғлом муҳитнинг баркамол авлод тарбиясидаги ўрни, ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчи ва унинг келажаги учун бирдек масъуллиги, бу жараёнда шахсий намунанинг аҳамияти хусусида фикр юритишди.

Шу куни муҳим ҳарбий хизматчилар билан ҳам «Оилада отанинг ўрни» мавзусида суҳбат ташкил этилиб, психологик тренинглари ўтказилди.

Festival



«МАРД АСКАР —

ЁШЛАР УЧУН НАМУНА»

Мудофаа вазирлигига қарашли Самарқанд вилояти Қўшрабат туманида жойлашган ҳарбий қисм ташавбуси билан туман марказида ҳамкорликдаги давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда «Янги Ўзбекистон ёшлари, вирлашайлик!» шиори остида маҳалла ёшларини ижтимоий фаоллигини ошириш, истеъдоди ва ташавбусларини рағбатлантириш ҳамда ҳаётда ўз ўрнини топишларига кўмаклашишга қаратилган кенг қамровли ҳарбий-ватанпарварлик фестивали ўтказилди.

Фестиваль аввалида сўз олганлар томонидан ёшларда қатъий ҳаётий

позиция ҳамда Ватан тақдирига дахлдорлик хиссини кучайтириш, тинчлик




ва хавфсизликни таъминлаш, ёт ғоялар, жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида тушунтириш ишлари олиб борилди.

Тадбир давомида ҳарбий хизматчилар томонидан намоён этилган қўл жанги чиқишлари ва замонавий қурол-аслаҳа ҳамда ҳарбий-техникалар кўргазмаси ўқувчи-ёшларнинг олқишига сазовор бўлди.

Юқори кайфият билан бошланган ҳарбий-ватанпарварлик фестивали давомида ўқувчи-ёшларда жасурлик ва мардлик, фахр-ифтихор туйғуларини оширишга йўналтирилган «Мард аскар – ёшлар учун намуна» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Фестиваль доирасида ёшлар ўртасида спорт мусобақалари ташкил этилди. Тадбир сўнггида ўз истеъдодини намоён этган фаол ёшлар ҳамда спорт мусобақалари ғолиблари қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

Ogohlik – davr talabi!



Бугунги кунда мобилъ иловалар интернет оламининг асосий қисмини эгаллаб, бутунжаҳон глобал тармоғидан фойдаланишда асосий ёрдамчи восита вазифасини ўтамоқда. Жаҳоннинг ривожланган давлатлари ҳар бир соҳани рақамлаштириш борасида ислохотлар олиб борар экан, IT-мутахассислар ва дастурчилар ёрдамида соҳага оид қулай дастурларни яратиб, ўз фаолиятлари самарадорлигини оширишмоқда.

ҲАРБИЙЛАР УЧУН ХАТАРЛИ ИЛОВАЛАР

Аммо ривожланиш билан биргаликда ҳарбий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда хавф-хатарлар ҳам юзага келмоқда. Ушбу мақолада мобилъ дастурлардан фойдаланиш шароитида ҳарбий инфратузилма ва ҳарбий хизматчиларга таҳдидлар юзага келиш эҳтимоли мавжуд бўлган ҳамда фойдаланишда жуда эҳтиёткор бўлиш талаб этиладиган айрим мобилъ дастурлар ҳақида зарур маълумотларни тақдим этамиз.

«STRAVA» МОБИЛЬ ДАСТУРИ

Ушбу дастур спорт билан шуғулланадиганлар учун ўзларининг жисмоний ҳолатини кузатиб бориш, эришган натижалари ҳақида дўстларига хабар бериш учун мўлжалланган. Мазкур бепул иловада фойдаланувчилар ўзлари яшайдиган ҳудуд, бино ва

жойларни ошкор этиб қўйиши мумкин.

Таҳлилчилар бу фикрга машҳур «Фитнес» иловаси интернетга қўйган маълумотлар харитасини ўрганган ҳолда келишди. Унда АҚШнинг Афғонистондаги ҳарбий объект чизмалари келтирилган.

2018 йилда АҚШ ҳарбийлари орасида «Strava» мобилъ иловаси жуда оммалашди. Бу илова барча олинган маълумотлар, жумладан, фойдаланувчининг босиб ўтган масофаси, тезлиги, жисмоний ҳолати, суратлари ва бошқа шу каби маълумотларни фойдаланувчи рухсати билан ёзиб боради ва ўзининг серверига юклайди. Бу функцияни ўчириб қўйиш мумкин, лекин аксарият ҳарбийлар бунга амал қилишмайди.

Маълум бўлишича, дастурчилар глобал тармоққа жойлаштирган GPS нуқталари АҚШнинг хориздаги ҳарбий базалари жойлашувини акс

этирган. Хусусан, Афғонистондаги ҳарбий база қафдек намоёнлигини кўриш мумкин.

«IUC Analysts» ташкилоти таҳлилчиси австралиялик Натан Рузер ўзининг «Twitter»даги саҳифасида ёзишича, ҳарбий хизматчилар томонидан «Strava» мобилъ иловасида қайд этиб борган маълумотларда 13 трлн GPS нуқталари белгиланган бўлиб, у АҚШнинг ҳарбий базаларини аниқ тасвирлаб берган. Бу иловадан фойдаланган ҳарбийлар ўзлари хизмат қилаётган ҳарбий қисмининг тузилиши ва дунёнинг айнан қайси нуқталарида жойлашганини тўла этиб қўйган.

Этиборсизлик қилган фақат АҚШ ҳарбийлари эмас, бу иловадан фойдаланган француз армияси аскарлари ҳам ўзларининг Мали давлатида жойлашган ҳарбий базаси тузилишини фош этиб қўйишган.

«YANDEX GO» МОБИЛЬ ИЛОВАСИ

Яндекс такси хизмати дунёнинг 20 дан ортиқ давлатида ўзининг фаолиятини йўлга қўйган бўлса, фақатгина бир мамлакат (Украина) уни хавфли деб ҳисоблаб, блоклаб қўйган. Ўзбекистон ушбу хизматни ишга туширган тўққизинчи мамлакат ҳисобланади. Бугунга келиб, ушбу хизмат мамлакатимизнинг аҳолиси кўп бўлган шаҳарларини ҳам эгаллаб бормоқда.

Хусусан, 2018 йилда Тошкент шаҳрига кириб келган онлайн такси хизмати 2019 йилда Фарғона ва Марғилон, 2020 йилда Наманган, 2021 йилда Андижон, 2022 йили Самарқанд ва Бухорода ўзининг хизматларини ишга туширди.

Бу мобилъ илова ҳар томонлама арзон ва қулай ҳисобланиб, ундан фойдаланиш учун буюртмачи рўйхатдан ўтиши талаб қилинади. Яъни шахсий телефон рақами, электрон почта ва бошқа маълумотларни киритишдан кейин ушбу мобилъ иловадан фойдаланиш имконияти берилди. Шундан сўнг такси буюртма қилмоқчи бўлган шахс керакли манзилни киритса, дастур автоматик равишда фойдаланувчининг қаерда тургани ва қаерга бормоқчи эканлиги глобал миқёсда интеграция қилинади. Яндекс бу маълумотларни қайта ишлаб, дастлабки пунктга яқин бўлган бир нечта такси ҳайдовчиларига маршрут маълумотларини тақдим қилади.

Фойдаланувчилар Яндекс такси хизмати учун тўловни нақд пулда ёки банк картаси билан амалга оширишлари мумкин. Рақамни ҳар сафар қайта киритмаслик учун уни аккаунтга улаб қўйиш мумкин.

Бунинг хавфсизлиги етарли даражада таъминланмаган. Масалан, шахсий автомобилига эга бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўзи яшайдиган жойдан ҳарбий қисмга боришда бир неча марта фойдаланишлари мумкин. Аммо Яндекс такси хизматидан фойдаланганида уларнинг яшаш манзиллари, телефон рақамлари ва кундалик иш тартиби ҳақидаги маълумотлар ҳамда ҳарбий қисмга келиб кетувчиларнинг умумий рўйхати чет эл махсус хизматларининг ихтиёрида пайдо бўлиш эҳтимоли бор.

Маълумот учун: Яндекс Нидерландияда рўйхатдан ўтган Россия трансмиллий компанияси бўлиб, дунёнинг бир неча мамлакатида тармоқдаги қидирув тизими, Интернет порталлари ва хизматларига эга.

«inDriver» ОНЛАЙН ТАКСИ ИЛОВАСИ

Ушбу дастур ҳам Яндекс такси иловаси каби iOS ва Android мобилъ қурилмаларга мўлжалланган бўлиб,

ўзбек, рус ва бошқа тилларда ишлайди. Вақт ва харажат сарфининг камлиги сабабли мазкур онлайн-дастур хизматидан фойдаланишга қизиқиш ортиб бормоқда.

Маълумот учун: inDriver (Google Map билан ишлайди) хизмати ҳозирча фақатгина Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида мавжуд бўлса-да, Яндекс такси хизмати билан рақобатлашмоқда.

Ушбу дастурдан фойдаланиш учун смартфоннинг GPS навигатор функциясидан фойдаланиш мажбурий бўлиб, шахснинг рўйхатдан ўтиши учун телефон рақами, электрон почтаси ва бошқа маълумотлар киритиши талаб қилинади. Турган жойни автоматик аниқлай оладиган ушбу дастурга керакли манзилни киритиш билан маълумотлар Яндекс тизимида интеграция қилинади. Бу эса ҳарбий хизматчиларга оид маълумотлар, уларнинг яшаш ва ишлаш жойлари, ҳар кунлик маршрути, кун тартиби ҳақидаги маълумотларни тўплаш имкониятини кенгайтиради.

ЮЗАГА КЕЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ХАВФ-ХАТАРЛАР

Маълумки, Тошкент, Андижон, Наманган, Фарғона, Марғилон, Самарқанд ва Бухоро гарнизонларида муҳим ҳарбий қисм ва муассасалар жойлашган. Яндекс қидирув ва хариталаш тизимининг серверлари Россия, Нидерландия ва Финляндияда жойлашган бўлса, «inDriver»нинг штаб квартираси Калифорния (АҚШ)да жойлашган. Шу факторларни инобатга олсак, ҳарбий қисмлар ва ҳарбий хизматчилар ҳақидаги маълумотлар чет эл махсус хизматлари ёки бошқа деструктив кучларнинг қўлига ўтиб кетиш эҳтимоли мавжуд.

Дунёнинг айрим мамлакатлари ҳарбий объектлар ва хизматчилар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида турли чора-тадбирлар ишлаб чиқмоқда. Жумаладан, Россия Федерацияси 2019 йилда қабул қилинган қонун билан ҳарбийларга ОАВ ва интернетда ўзи ҳамда бошқа ҳарбий хизматчилар, уларнинг манзиллари ҳақидаги маълумотларни, фото ва видео материалларни ҳамда хизматга доир бошқа маълумотларни тарқатишни тақиқлади.

Хитой ҳарбийларнинг телефонларидан маълумот чиқиб кетишига қарши дастур ишлаб чиқди. У ҳарбий ва давлат сирини молик маълумотлар учинчи томонга узатилаётганда автоматик равишда ҳукуматни огоҳлантиради. Ушбу дастурни масофадан ўрнатиш ва маълум бир веб саҳифаларга киришни тўсиб қўйиш мумкин. Бундан ташқари, абонентларнинг телефон рақами ва телефон моделини аниқлаш, фойдаланиш соатларини белгилаш, айрим сўзлар қўлланилишини назорат қилиш имконига эга.

Хулоса қилиш мумкинки, ҳарбий инфратузилма объектлари тўғрисидаги маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Яндекс ва Google билан ҳамкорлик қилишда таҳлика мавжуд. Юқорида айтиб ўтилган мобилъ иловаларга рақобатдош миллий дастуримизни яратиш ёки уни назорат қиладиган автоном тизим жорий қилишга эса катта интеллектуал ресурс ва узоқ вақт керак бўлади. Мобилъ иловаларни чеклаш эса муаммага ечим бўла олмайди. Ҳарбий хизматчиларнинг мобилъ иловалардан фойдаланиш бўйича медиа саводхонлигини ошириш орқали таҳдидларнинг олдини олиш мумкин. Бунда раҳбар ва командирларнинг зиммасига катта масъулият юкланади.

Подполковник
Мамиржон ХОМИДОВ

ТАНКА ҚАРШИ РАКЕТА КОМПЛЕКСЛАРИ

XX асрда танклар қуруқликдаги қўшинларнинг асосий зарба кучи сифатида шаклланди. Биринчи жаҳон урушининг охириги даврларида танклар жанговар ҳаракатларни позиция урушининг мушкул, боши берк, чорасиз ҳолатидан чиқаришга имкон берганда, пийдаларнинг ўқ отар қуроллари уларнинг зирҳига қарши ожиз бўлиб қолди. Дала артиллерияси ўз вақтида манёвр қилиш қобилиятига эга эмас эди ва тактик вазиятнинг фақат қулай шароитларидагина танкларга қарши муваффақиятли кураша олар эди.

Фақат XX асрнинг иккинчи ярмида пийдалар жангда барча узоқликларда танкларга қарши курашиш имкониятига эга бўлди. Хорижий армиялар қуролланишига танкка қарши бошқарилувчи ракеталарнинг (у вақтда «танкка қарши бошқарилувчи реактив снарядлар» деб аталган) SS-10 (Франция), «Кобра» (ГФР, Швейцария) туридаги биринчи намуналари қабул қилинди.

Танкка қарши бошқарилувчи ракета танкка қарши ракета комплекси таркибига киради. Биринчи танкка қарши бошқарилувчи ракетанинг яратувчиси немис муҳандиси, доктор Макс Крамер ҳисобланади. 1941 йили BMW фирмасида бошқарилувчи ракета қуроллари соҳасида илмий-тадқиқотларга киришди. Дунёдаги биринчи Х-7 танкка қарши бошқарилувчи реактив снарядини ишлаб чиқариш 1943 йили бошланди ва Х-7 Роткаппчен («Қизил қалпоқча») номини олди. «Қизил қалпоқча» учун асос бўлиб «ҳаво-ҳаво» синфидаги Х-4 бошқарилувчи ракетаси хизмат қилди.

Танкка қарши ракета комплекслари ТҚРК душманнинг танклари ва бошқа зирҳли машиналарини яқсон қилиш, темир-бетон фортификацион, турли муҳандислик иншоотларини вайрон қилиш, турли зирҳланмаган, енгил зирҳли объектлари, ўт очиш воситалари ва паст тезликдаги ҳаво ва сувдаги нишонларига талафот етказиш учун мўлжалланган.

Танкка қарши ракета комплекслари ТҚРК ривожланган давлатлар зарбдор ва мудофаа қуроллари тизимида муҳим аҳамиятга эга. Йўналтириш ва бошқариш тизими танкка қарши ракета комплексининг асосий қисмидир. Унинг ривожланиш даражаси комплекснинг қайси авлодга тегишлилигини аниқлайди.

Нишонга йўналтириш усули бўйича танкка қарши бошқарилувчи ракеталар уч авлодга бўлинади:



Биринчи авлод танкка қарши ракета комплекслари – ракетани қўл билан бошқариш тизимига эга.

Иккинчи авлод танкка қарши ракета комплекслари – ракетани ярим автоматлаштирилган бошқариш тизимига эга.

Учинчи авлод танкка қарши ракета комплекслари – ракетани автоматлаштирилган бошқариш тизимига эга.

Биринчи авлод ТҚРКнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ракета нишонга қўл режимида йўналтирилади (бу усул қўшимча равишда «уч нуқтали» деб аталади). Оператор бошқарув дастаси ёрдамида ракетани нишонга, уларни бир вақтда кўриш зонасида сақлаб турган ҳолда тўғрилаши лозим. Комплекسدан ракетага командалар махсус ғалтақдан ечиладиган сим орқали узатилади, бу ракетанинг учиш тезлигини

сонияда 150-200 метр оралиғида чеклайди. Нишонга теккизиш эҳтимоллиги 60-70 фоиз. Зирҳ тешиш қобилияти 400-600 мм.



Биринчи авлоднинг қўлланиши 1956 йилда Исроил ва Миср ўртасида бўлиб ўтган урушда қайд этилган (SS-10, Франция).

Биринчи авлод танкка қарши ракета комплексларига турли давлатларда ишлаб чиқарилган қуйидаги танкка қарши бошқарилувчи ракеталар киради: Х-7 Роткаппчен (Германия), SS-10, SS-11 (Франция), Mosquito (Швейцария-Италия), Собра (Швейцария-ГФР), В.891 Вигилант (Буюк Британия), Малкара (Буюк Британия-Австрия), Мамба (Буюк Британия-ГФР), РБ53 Бантам (Швеция), ПТУР-61 «Шмел», ПТУР-62 «Фаланга» ва ПТУР-63 «Малютка» (СССР), Тйпе-64 ва МАТ-1 (Япония), Матхого (Аргентина).

Биринчи авлод танкка қарши ракета комплексларининг камчиликлари конструкциясида уларнинг нуқсонларини бартараф қиладиган ёки минимумга туширадиган комплексларни яратишни тақозо этди. Илмий-техник ривожланиш ярим автоматлаштирилган бошқариш тизимига эга иккинчи авлод ТҚРКларини яратиш имконини берди.

Иккинчи авлод ТҚРКнинг ўзига хос хусусияти – ракета нишонга ярим автоматлаштирилган режимида йўналтирилади (бу усул қўшимча равишда «икки нуқтали» деб аталади). Оператор мўлжал маркерини нишонга тўғриласа бас, ракета объектга ўзи йўналтирилади. Бу нишонга теккизиш эҳтимоллигини 90-95 фоизга оширди, лекин бошқарув командаларининг сим орқали узатилиши ракетанинг тезлигини 160-220 метрда сақлаб қолди. Бу муаммо симсиз алоқа воситаларининг қўлланиши билан ечимини топди.

Иккинчи авлод танкка қарши ракета комплексларига қуйидаги ТҚРКлар киради: MAPATS (Нимрод), ЛАҲАТ (Исроил), МГМ-51 Shillelagh, TOW, Драгон, АГМ-114 Hellfire (АҚШ), МИ-ЛАН ва ҲОТ (Франция, ГФР), Swingfire (Буюк Британия), Aries ва Toledo (Испания), РБС-56 БИЛЛЬ (Шве-

ция), «Фагот», «Конкурс», «Штурм», «Метис», «Кобра», «Атака», «Кастет», «Рефлекс», «Корнет», «Вихр» (СССР), Hongjian-8 ва Hongjian-9 (ХХР), Type-79 МАТ-2 ва «Тир-87» (Япония) ва бошқалар.

Янги ракеталарнинг жанговар қисми биринчи авлод билан тенг бўлса-да, 1,5-2 баробар юқори зирҳ тешиш қобилиятига (600-900 мм) эга эди. Бошқарилувчи ракеталар уларни сақлаш, ташиш ва учуриш учун мўлжалланган ташувчи-учирувчи контейнерларга жойлаштирилди. Аммо ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам сақланиб қолди. Улар орасида асосийси – оператор ракетанинг учиши давомида нишонга текканича ўт очиш позициясини ўзгартирмасдан 20-25 сония ичида мўлжал маркерини нишонда ушлаб туриш заруратиدير.

Аммо талафот етказиш воситаларининг ривожланиши билан бирга, баъзи ҳолларда улардан аввал, зирҳли техникаларнинг ҳимоя воситалари ҳам ривожланди. Бу учинчи авлод ТҚРКларини ишлаб чиқишни тақозо этди.

Учинчи авлод ТҚРКнинг ўзига хос хусусияти – ракета нишонга автоматлаштирилган режимида йўналтирилади, ўзини бошқариш каллагига эга ракета нишонга ўзи йўналтирилади ва уни яқсон қилади. Оператор мўлжалга олиши ва отиши етарли, кейин у ўт очиш позициясини қолдириб кетиши мумкин. Бу эса танкка қарши ракета комплекслари ҳисобининг яшовчанлигини оширади.

Бугунги кунда учинчи авлод зирҳ тешарлиги 1 000–1 200 мм бўлган тандемли (иккитали) кумулятив, фугасли ва ёндирувчи (термобарик) жанговар қисмлар билан жиҳозланмоқда.

Учинчи авлодга қуйидаги ТҚРК киради: Spike (Исроил), Predator SRAW, M132 Випер, AGM-124 Wasp, FGM-148 Javelin, MGM-157 EFOGM ва MGM-166 LOSAT (АҚШ), ATGM-3LR TRIGAT (Франция, ГФР, Буюк Британия), MACAM-3 (Испания), Наг (Хиндистон), MBT LAW (Швеция), Type-96 МАТ-4 (Япония) ва бошқалар.

Қуроллар ва ҳарбий техниканинг доимий ривожланиши, уларда илм-техника тараққиёти натижаларининг қўлланиши ТҚРКни модернизация қилишга жиддий талаблар қўймоқда.

Танкка қарши ракета комплексларини ривожланиши ва модернизация қилишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардир:

отиш узоқлигини ошириш (10 000 метрга) ва ракетанинг катта учиш тезлигини таъминлаш;

нишонни автоматлаштирилган қулатиш тизими ва ракетада юқори аниқликдаги лазерли бошқариш тизимини қўллаш орқали кичик ўлчамли нишонларга теккизиш эҳтимolini ошириш; фаол ва пассив халақит бериш воситаларига қарши тўлиқ барқарорлик;

қуруқликдаги, сувдаги ва ҳаводаги турли нишонларга талафот етказишни таъминлаш;

бошқарув сигналларини кодлаш; «отдим – эсдан чиқардим» таъминлини тўлиқ амалга ошириш; ракетанинг ва ташиш воситасининг юқори манёврчанлигини таъминлаш;

турли воситаларга жойлаштириш, десантлаштириш имкониятини таъминлаш;

отиш вақтида тўлиқ ниқобланишни таъминлаш, комплекснинг оғирлиги ва ўлчамларини чеклаш;

ташқи факторларга чидамлилиқни таъминлаш;

кўриш қийин бўлган шароитларда қўллашни таъминлаш;

ҳаракат вақтида отиш имкониятини таъминлаш.

Шахсий таркибининг танкка қарши воситалар жанговар хусусиятлари ва имкониятларини ҳамда уларни жанговар қўллаш услубларини мукамал билиши турли жанг турларида душманнинг зирҳли объектларига қарши самарали курашиш вазифаларини муваффақиятли бажаришга имкон беради.

**С. АБДУЛЛАЕВ,
Б. ЖЎРАЕВ,
Қуролли Кучлар
Ҳарбий мерос ва замонавий
тадқиқотлар институти
кичик илмий ходимлари,
доцентлар**

Millat ko'z gusi

БАЙНАЛМИЛАЛ ТУРКЎЙ СЎЗЛАР

(таом номлари этимологиясига бир назар)

ТОВУҚ. Аввалги мақолаларимиздан бирида курка (ғул-ғул товуқ) сўзи тилимизга Оврўпа тилларидан ўзлашган, деган фикр билдирган эдик. Аммо товуғимиз... аксинча, жаҳонгашта бўлиб кетган.



Дейлик, Ғарб давлатларидан бирига сафар қилдингиз, ҳалол емак истасангиз, албатта, товуққа ҳам дуч келасиз. Товуқ мусофирликда дуч келган илк туркий сўз бўлиб, гўёки сизни қарши олади. Эълон ёки емакхона пештоқидаги «taouk», «shish taouk» каби ёзувларни учратганда эса худди эски қадрдонингизни кўргандай суюнасиз. Чет элларда «ўзбек» ёки «Ўзбекистон» десангиз, одамлар: «билмайман» деб елка қисишлари мумкин, аммо «товуқ»ни билишди (ҳар ҳолда, мен хорижда «taouk» ёки «shish taouk»ни билмайдиган одамни ҳали кўрмадим).

Анча йиллар илгари Монреал метроси бир бекатидан чиқишда: «Taouk du Québec», яъни «Квебек товуғи» деган ёзувга кўзим тушган. Бу менинг «taouk» билан хориждаги илк «учрашувим» эди, француз тилида «товуқ гўшти» – «poulet», аммо емакхона пештоқида: «Taouk du Québec» деб ёзилгани менга ғаройиб туюлган, кейинчалик «taouk», «shish taouk» каби емакхоналар аслида кўп эканини билганман. Мен билган бундай емакхоналарнинг эгалари асосан ливанлик араблар, шу боис «taouk» ёки «shish taouk»ни баъзилар араб миллий таоми деб ҳам ўйлайди. Аммо шу емакхоналарнинг эгалари бўлмиш ливанликлардан: «taouk» – нима ўзи? деб сўрасангиз, унинг туркий сўз эканлигини билишмайди, улар «товуқ»ни, худди биз «чучвара», «лағмон» деганимиздек, шунчаки таом номи деб ўйлашади.

Хўш, шиш товуқ қандай қилиб ливанликларга ўтиб қолди? Маълумки, бошқа Шом ўлкалари қатори Ливан ҳам тарихда дастлаб Мисрнинг турк ҳукмдорлари – мамлуклар қўли остида, кейинчалик, қарийб тўрт аср мобайнида Усмон-

ли давлати таркибида бўлган. Шу боис Усмонли давлати худудида шакланган емак тайёрлаш анъаналари ливанликлар ошхонасига ҳам ўтган.

ШИШ ТОВУҚ. Шиш товуқ – бу товуқ гўшти бурда-бурда кесилиб, ёғочдан ясалган махсус чўп, яъни шишга тортилиб оловда пишириладиган кабоб, ўзбек тилида



«товуқ шашлиги» дейилса, яхшироқ тушунилади. Ҳозирда «shish taouk», «shish kebab» нималигини кўпгина дунё халқлари, айниқса, оврўпаликлар яхши билишади.

«Шиш» – аслида қадим туркий сўз, ҳозир ҳам турк, озарбайжон, крим-татар қардошларимиз уни қўллайдилар ва улар орқали бу сўз дунёга ёйилган. Афсуски, ўзбек тилида «шиш» унутулиб, унинг ўрнини форсча «сих» эгаллаган. Бу сўз «Девону луғоти-т-турк»да ҳам бор, Қошғарий бобомиз унга: «шіш – тутмоч тайёрлаш учун қўлланадиган махсус чўп», деб изоҳ берган.

XIV асрда Хоразмда яшаган адиб Сайф Саройининг «Гулистони Бит-туркий» асарига ҳам «шиш» сўзи «сих» маъносида ишлатилган: «нукарлари тутуб санчар йигирми қазни бир шишка», маъноси: «навкарлари йигирма ғозни тутуб бир шишга санчади». Қадимги туркийда «шиш» сўзи,

шунингдек, «хивич», «новда» маъноларини ҳам билдирган.

ШАШЛИК. Ҳозирги ўзбек тилида «шиш» иштирокида ясалган «шашлик» сўзи ишлатилади. Ўтган асрларда Қрим татарлари, шунингдек, Дашти Қипчоқ, Ҳожи Тархон (Астрахан) ва Кавказда яшаган турк қавмлари шишга тортиб оловда пишириладиган этни – «шишлық» деб аташган. Россия империяси бу худудларни босиб олгач, туркий халқларнинг бу таоми – «шашлык» номи билан русларга ҳам ўтади, совет даврида эса шашлик собиқ Иттифоқ миқёсида сеvimли таомлардан бири эди. Шунингдек, совет давридан олдин мамлакатимиз худудида форс-тожик тили таъсирида кўпроқ «сих», «сих кабоб» дейиш удум бўлган. «Шишлик» рус тили орқали тилимизга «шашлик» бўлиб қайтиди, дейиш мумкин.

ЙОҒУРТ. Кўпчилик туркий қавмлар ўтмишда кўчманчи бўлгани учун уларнинг турмушида чорва, эт-сут маҳсулотлари муҳим ўрин тутган. Шундай маҳсулотлардан бири – йоғурт бугун нафақат туркий, балки дунёдаги барча тил ва луғатлардан байналмилал сўз сифатида ўрин олган.

«Йоғурт» сўзи «Девону луғоти-т-турк»да ҳам бор, Кошғарий бобомиз «Девон»да: «сувуқ» («суюқ») сўзини изоҳлар экан, «йоғурт»ни ҳам тилга олади: «قوس» сувуқ – ҳар бир суюқ нарса, чунончи, суюлтирилган қатиқ, сузма, ширинликлар. «شیرغی قوس» сувуқ йоғурт – суюқ қатиқ».

«Староузбекский язык Хорезмийские памятники XIV века» луғати муаллифи Эргаш Фозилов «йоғурт»га мисол тариқасида «Гулистони бит-туркий» асаридан ушбу мисолни келтиради: «кетурди бир ғариб эр ул йоғуртни», яъни: «бир нота ниш киши йоғурт келтирди».

Шунингдек, «йоғурт» сўзи XIII–XIV асрларда оврўпалик миссионерлар томонидан тузилган «Кодекс куманикус» луғатида ҳам «yogurt» шаклида қайд этилган. Қадимда бу сўз турли туркий лаҳжа ва шева-ларда: йоғурт, йоурт, йувурт, жувурт, жургат, журғат, зувурт ва ҳоказо шаклларда кенг қўлланилган.

ШАВУРМА. Энди юқорида тилга олинган емакларни бир юпқа нонга «чевирсак» (яъни ўрасак), ШАВУРМА пайдо бўлади. «Шавурма» – арабча, ҳатто яҳудийча сўз, дегувчилар ҳам бор. Аммо бу ном туркча «чевирма»нинг араб ва бошқа тилларда бузиб талаффуз этилиши оқибатида пайдо бўлганлигини бугун кўпчилик билади. Умуман, «-ма» қўшимчаси билан тугайдиган: қовурма, дўлма, бостирма, димлама каби барча таомларни турк халқларига оид десак, янглишмаймиз. Шу каби «-(о)ба», «-бо» («-ва») билан тугайдиган: мастава (форсча: «маст» – қатиқ, «обо» – суюқ овқат), шўрва (шўр+бо), пиёва (пиёз+обо), қурутоба («қурут» – туркий сўз) каби таом номлари эса этимологик жиҳатдан форс тилига бориб тақалади.



МИРТЕМИР

ОНА ТИЛИМ

Ёбонларнинг чексизлиги,
Ҳам самуми, ҳам ҳовури,
Онажонлар алласидан,
Қўз ёшидан, оқ сутидан;
Тўқайларнинг тенгсизлиги,
Жилғаларнинг шўх ғовури,
Йигитларнинг ялласидан,
Сулувларнинг сукутидан —
Йўғрилган тил —
Она тилим.

Дарёларнинг тошқин пайти
Арслон янглиғ ариллаши,
Довонларнинг кўк қиёси
Қорли тоғлар жилосидан;
Чўпонларнинг қамиш байти,
Чилдирманинг дариллаши,
Гўрўғлининг алп сиймоси,
Алпомишнинг даъвосидан —
Туғилган тил —
Она тилим.

Тулпорларнинг асовлиги,
Тош чақиши, оловлиги,
Боболарнинг олтин сўзи
Бўёқчининг ўландидан;
Тўқувчининг алғовлиги,
Чилангарнинг далғовлиги,
Бу тупроқнинг қўш хўкизи,
Қўшчиси ҳам қўландидан —
Яралган тил —
Она тилим.

Шу тупроқнинг жон аямас
Тарлонлари, бургутлари,
Келинларнинг дилдошлиги
Ёр-ёрларнинг жарангидан;
Босқинларнинг бедодлиги,
Бувиларнинг ўғитлари,
Дўмбиранинг мунғдошлиги,
Дуторнинг ҳам тарангидан —
Таралган тил —
Она тилим.

Абдувоҳид ҲАЙИТ

Kecha va bugun

СНАЙПЕРЛАРНИ

КАШФ ҚИЛГАН ҚУШ



«Снайпер» атамаси XVIII асрнинг 70-йилларида Хиндистондаги Британия аскарлари орасида бекас (инглизчасига snipe) қушини овлаш жараёнида пайдо бўлган сўз. Узун тумиуқли бекассимонлар оиласига мансуб бу митти қушни (тана ҳажми 26 см, оғирлиги 80-180 грамм ва қанотларининг кенлиги 40-45 см) ўша давр қуролларида овлаш нақадар машаққатли вазифа бўлганлиги қайд этилади ва бу ишни амалга ошира олганлар моҳир мерган сифатида тан олинган.

ри, уларга нисбатан хавф-хатарнинг юқорилиги билан ажралиб турган. Шунинг учун 1930 йилга келиб, кўпгина давлатлар махсус мерганлар бўлинмаларининг хизматидан воз кечган. Бундай бўлинмаларга жангчиларни тайёрлаш ва ўқитиш фақатгина собиқ совет Иттифокидагина мавжуд эди.

Иккинчи жаҳон уруши бошларида француз ва британ мерганлари Ғарбий фронтда немисларнинг ҳужумларини маълум муддатга тўхтатиб қолишга эришдилар. Ҳаракатдаги қўшинлар билан ёнма-ён жанг қилиш ҳадисини олган Қизил армия снайперлари эса Шарқий фронтда фашист босқинчиларига қақшатқич зарбаларни беришда, ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшган. Улар сафида Тешабой Одилов, Абдулла Қурбонов (Совет Иттифоқи Қаҳрамони), Абдулла Мусоев («Шон-шараф» орденининг тўлиқ кавальери), Тожибой Ражабов, Ҳайит Хўжаматов, Анорбой Эржонов, Холиқов, Зебо Ғаниева сингари машҳур ўзбек мерганлари фашист босқинчиларига қарши курашда ўз маҳоратларини намойиш этган.

Умуман олганда, снайперлар тайёрлаш курсида ўқиган 428 335 нафар жангчидан 70 нафари Совет Иттифоқи Қаҳрамони (шулардан олти нафари аёл) ва 20 нафаридан кўпи «Шон-шараф» орденининг барча уччала даражаси билан тақдирланган. Душманга энг кўп талафот етказган снайпер Михаил Сурков (702) ҳисобланса, аёллар орасида Людмила Павличенко (Совет Иттифоқи Қаҳрамони, 309+36 немис снайперини ўлдирган) Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги энг моҳир мерган сифатида қайд этилган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Мосин-Наган М1891/30 (СССРда ишлаб чиқилган тури), Маузер 98к немис карабини, Ли-Энфилд 1914 йил (Буюк Британия), Арисака 97 (Япония), М1903А4 Спрингфилд ва М1С Гаранд (АҚШ) каби снайперлик милтиқларидан кенг фойдаланилган. 1945 йилнинг февраль ойидан бошлаб эса илк марта инфрақизил тунги нишонга олиш ускунаси ишлаб чиқарила бошлаган.

ҲАРБИЙ ДОКТРИНА

Айрим давлатлар қабул қилган ҳарбий доктринага мувофиқ, снайперлар хизматидан ҳарбий қисмлардаги вазият ва қўлланиладиган услублардан келиб чиққан ҳолда турли мақсадларда фойдаланилади. Узоқ муддат ниқобланган нуқтада душманни кузатиш, керак бўлганда муҳим нишонларни йўқ қилиш орқали (офицер, нишонга йўналтирувчилар ёки илғор бўлинмалар) душманнинг жанговар ҳаракатларини камайтириш замонавий снайперларнинг асосий вазифаларидан биридир. Бундан ташқари, уларнинг вазифасига разведка маълумотларини тўплаш ва етказиш ҳам киради. Баъзи ҳолларда снайперлар томонидан душман ҳар-

бий техникасини яқсон қилиш учун 50 BMG, Barrett M82, McMillan Tac-50 ва Denel NTW-20 йирик мерганлик қуролларидан фойдаланилади.

Гарчи снайперлик ҳарбий соҳа мутахассислиги сифатида эътироф этилса-да, йиллар давомида унинг таъсир доираси анча кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда снайперлар хизматига бошқа ҳарбийлашган соҳаларда, яъни ҳуқуқ-тартибот органларида ҳам кенг кўламда эҳтиёж сезиляпти. Ҳуқуқ-тартибот органларида хизмат қиладиган мерганлар ҳарбийлардан фарқли равишда асосан 50 ёки 100 метр оралиғидаги қисқа масофаларда ҳаракат қиладди. Бу ҳолат мерганларнинг асосан шаҳар шароитида ишлаши билан ҳам боғлиқдир. Нишонни йўқ қилиш камдан-кам ҳолларда, яъни гаровга олинган шахснинг ҳаётига хавф туғилгандагина амалга оширилади. Ҳарбийлашган соҳаларда мерганлар хизматидан фойдаланиш кўпинча террористик гуруҳлар томонидан амалга ошириладиган ҳужумларни бартараф этишда кўпроқ самара бериши амалда исботланган.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда ҳарбий доктриналарда мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, тинч аҳоли ҳаётига хавф туғилган вазиятларда снайперлар хизматидан фойдаланиш каби асосий принциплар кўзда тутилиши кўрсатилган. Қанчалик ачинарли бўлмасин, айрим давлатларда мерганлар хизматидан криминал, жиноий тўдалар ҳам фойдаланаётган вазиятлар учраб туради.

МЕРГАНЛАР ТАЙЁРЛАШ МАРКАЗИ

Кўпчиликда снайперлар бажарадиган вазифаларидан келиб чиққан ҳолда дунёнинг барча давлатларида бу соҳа вакиллари деярли бир хил ишни амалга оширади, деган тушунча пайдо бўлиши мумкин. Аммо уларни тайёрлаш марказларида ўргатиладиган услублар, фойдаланиладиган қуроллар ва бошқа жиҳатлар билан бир-бирдан кескин фарқ қиладди. Ҳатто миллий менталитет ҳам муҳим омил сифатида ажралиб туради. Мутахассислар тарихий келиб чиқишида овчилик билан доимий шуғулланган миллатларнинг вакилларида кучли снайперлар тайёрлаш мумкин деб ҳисоблашади. Бу нарсалар илмий, амалий ва назарий исбот талаб этмайдиган аксиомадир. Мазкур аксиомаи ўзбек мерганлари мисолида кўриб қиксақ, ҳақиқатга қанчалик яқинлиги яна бир марта исботланади.

2021 йил май ойида мудофаа вазирининг буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги мерганлар тайёрлаш маркази фаолияти ишга туширилди. «Ғурумсарой» дала-ўқув майдонида жойлашган ушбу марказда тажрибали йўриқчи-мерганлар Қуролли Кучлар тизимида хизмат бурчини ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг касбий малакасини ошириш йўлида изланишлар олиб бормоқда. Ишга туширилганига бир йилдан сал кўпроқ вақт бўлган марказ қисқа вақт оралиғида халқаро миқёсда ҳам, мамлакатимиз миқёсида ҳам ютуқларга эришмоқда. Буни соҳа мутахассисининг билдирган фикрлари ҳам далиллади.

Майор Шаҳбоз ЭШОНҚУЛОВ:

– Марказда тажрибали йўриқчи-мерганлар Қуролли Кучларимиз тизимидаги шу соҳа мутахассисларининг касбий маҳоратини оширишда туну кун меҳнат қилмоқда. Фаолиятимизни ўтган йили бошлаганимизга қарамай, қатор ютуқларга эришдик. Ўтган давр оралиғида Қуролли Кучлар тизими мутахассислари ўртасида «Энг илғор мерганлар жамоаси» мусобақасини ташкиллаштирдик. Бундан ташқари, Россия Федерацияси ва Франция давлатларидан келган жамоалар билан амалий ҳамкорлик йиғинларини ўтказдик. Яқин кунлар ичида италиялик мерганлар жамоасининг мутахассисига ташрифи кутилмоқда.

Бундан ташқари, йўриқчи-мерганларимиздан айримларининг халқаро ва мамлакатимиз миқёсидаги мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаганини эътироф этмоқчиман.

– Мутахассислар моҳир мерган бўлиш учун миллий менталитет муҳимлигини таъкидлашади. Сиз буни қайси жиҳатлар билан кўрсатиб бера оласиз?

– Мерганлик ажодлардан авлодларга ўтиб келяпти, десам, адашмайман. Амир Темур, Жалолоддин Мангуберди, Темур Малик каби моҳир саркардаларимиз ёшлигидан оқ камдан ўқ узиш ҳадисини олган. Бу қобилияти орқали ўз қўшинидаги жангчиларига намуна бўлган. Натижада, ўша вақт қўшиннинг орасида бир чақиримдан узукдан ўқ ўтказиш мусобақалари ташкиллаштирилгани ҳаммага маълум.

Мерганликнинг миллий менталитетга алоқадорлиги чидамлик ва сабр-тоқатда ҳам намоён бўлади. Ниқобланган мерган ўз жойида кунлаб, ҳаттоки, ҳафталаб душманни кузатиши мумкин. Бу ҳолат ҳарбий хизматчиларимизнинг кўплаб халқаро мусобақалардаги иштирокида кузатилган ва хорижлик мутахассислар йигитларимизнинг чидамлик ва сабр-тоқатига тан беришган.

– Ҳарбий мерганлик мусобақаси ва спорт снайпининг фарқи нимада? Марказда ҳар икки йўналиш бўйича мусобақа ташкиллаштириш имконияти мавжудми?

– Албатта, катта фарқи бор. Ҳарбий мерганлар мусобақасида асосан тактик услубларнинг қўлланилиши эътиборга олинади. Яъни унда масофа, ҳудуд, фойдаланиладиган қуроллар... Спорт снайпинг фақат жисмоний тайёргарлик бўйича ҳарбий мерганлар мусобақасига яқинроқ бўлади.

Марказда ҳар икки йўналиш бўйича мусобақа ўтказиш имконияти мавжуд. Бунинг учун мусобақада қўлланиладиган техник базани алмаштиришнинг ўзи етарли. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, мутахассислар ҳарбий мерганлар беллашувида ҳам, спорт снайпинг мусобақасида ҳам бемалол қатнашиши мумкин.

**Асрор РЎЗИБОЕВ,
«Vatanparvar»**

Harbiy-vatanparvarlik



ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ОМИЛЛАРИ

вазифага масъулият билан ёндашди. Шу билан мамлакат сарҳадларини мустаҳкамлаш, чегараларимиз дахлсизлигини кучайтириш, ички ва ташқи таҳдидларга қарши кураш ҳар доим инсонни огоҳликка даъват этиб туради.

Бугун мамлакатимиз ёшларини ҳарбий-вatanparvarlik руҳида тарбиялаш энг муҳим вазифалар сирасига киради. Буюк ўтмишимизда яшаб ўтган аجدодларимиз, халқимиз тинчлигини сақлаш мақсадида юртимизни босқинчилардан муносиб ҳимоя қил-

хизматчилар ва оила аъзоларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кучли ижтимоий ҳимоя, ўз навбатида, офицер ва аскарларимизнинг фидойилик, бурчга садоқат билан хизмат қилиш, ўзининг профессионал тайёргарлигини ошириб бориши учун замин яратмоқда. Кўрилаётган комплекс чора-тадбирлар натижасида Вatan ҳимоячиларининг ҳарбий хизматга бўлган ёндашуви тубдан ўзгарди, ҳарбий қисмларда масъулият ва интизом мустаҳкамланди, барча ҳарбийлар қалбида ўз Ватани билан фахрланиш ва ғурурланиш ҳисси янада ортди.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, вatanparvarlik туйғуси ҳарбий соҳани англаш, ҳис қилиш ва идрок орқали янада мустаҳкамланади. Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар моҳияти одамларнинг имкониятларни янада

Ўзбекистон ҳукумати мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ўз армиясига эга бўлди. Бугунги кунда Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг тинчлигини кўз қорачиғидек асраш, барқарор ривожланишини таъминлаш шу Ватанда яшаётган ҳар бир инсоннинг бурчи ҳисобланади. Бу борада ёшлар масаласи юқори ўринда туради. Сабаби бугунги замонавий шароитларда ёшларни ҳарбий-вatanparvarlik руҳида тарбиялашнинг устувор масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Боси ҳарбий-вatanparvarlik руҳида тарбияланган ёшлар, энг аввало, юртининг тинчлиги, осойишталиги учун ўз жонини камарбаста қилишга-да тайёр туради. Агар инсонлар юрагида вatanparvarlik туйғуси устун бўлмаса, уларга ҳеч бир соҳада ишонч бўлмайди. Миллий армиямизни ёшларнинг мардлик, матонат ва жасорат мактабига айлантириш, аждодларимизга муносиб бўлиш энг буюк саодатдир, деган тушунча бизнинг асосий ғоямизга айланиши шарт.

Ҳарбий доктрина Ўзбекистон Республикасининг мудофаа сиёсатининг негизини ташкил этади. Миллий хавфсизлик умумдавлат концепциясининг таркибий қисми бўлиб, ташқи сиёсат, давлатлараро муносабат масалалари, уруш ва тинчлик муаммолари борасида мутлақо янгича ёндашувларга асосланади. Шунингдек, 2018 йил 23 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ёшларни ҳарбий-вatanparvarlik руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мамлакатимиз Президентининг 2018 йил 4 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ва шу асосда жорий этилган Қуролли Кучлар тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш концепциясига мувофиқ, «Вatan – муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!» ғояси илгари сурилди. Қуролли Кучлар тизимида ҳафтанинг ҳар жума кунини «Маънавий юксалиш ва вatanparvarlik кунини» этиб белгилангани замирида эса ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий тайёргарлигини рағбатлантириб бориш лозимлиги белгиланган. Мақсад мамлакатимиз суверенлигини, ҳудудий ахлитлигини, халқимиз тинчлигини садоқат билан ҳимоя қилиш, энг олий вазифа сифатида эътироф этилади.

Юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

ган, Вatan озодлиги йўлида душманга қарши мардонавор курашган буюк ватандошларимиз – Широқ, Тўмарис, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Нажмиддин Кубро, Амир Темур каби миллий қаҳрамонларимизнинг кўрсатган жасоратини ҳарбий хизматчиларимизга доимо намуна сифатида кўрсатишдан биз доимо фахрланамиз. Ҳозирги кунда Қуролли Кучларимиз ташкилий ва таркибий жиҳатдан анча такомиллашди. Тузилмаларнинг ҳаракатчанлиги, жанговар қобилияти, ҳарбийлар-



нинг жисмоний ва маънавий тайёргарлиги ошди. Ҳарбий қисм ва бўлинмалар замонавий қурол-яроғ ва жанговар техника билан таъминланди. Миллий армиямизни профессионал кадрлар билан тўлдириш, ҳарбий хизматчиларнинг тайёргарлигини, билим ва кўникмаларини янада юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовор.

Ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш, уй-жой билан таъминлаш ишлари босқичма-босқич режалани амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда ҳарбий хизмат нуфузини юксалтириш ва Қуролли Кучларимизнинг жанговар шайлигини янада ошириш мақсадида кўшин турларини ёш ва салоҳиятли кадрлар билан тўлдириш, ҳарбий хизматни ўташ учун қулай шароитлар яратиш, ҳарбий

теранроқ англашга, ҳис этишга ҳамда инониб-ишониб, меҳнатдан қочмасликка чорламоқда. Фуқароларнинг, айниқса, мамлакат ёшларининг маънавий ва жисмоний камолоти Вatan равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги ғояси орқали юксак фуқаролик масъулиятини ҳис қилиш, англаш, уқиш ва тушуниш ҳамда бевосита жамиятга дахлдорлик туйғуси билан яшашда мустаҳкам пойдевор бўлади.

Бугунги кунда айрим минтақалардаги халқаро муносабатларнинг тобора мураккаблашиб бораётгани, 200 дан ортиқ давлатнинг 40 га яқинида турли миллий-этник, диний келишмовчиликлар ҳамда халқлар ва давлатлар ўртасида турли низолар тобора чуқурлашмоқда. Ядровий таҳдидларнинг хавфи тобора ортиб бораётган бир даврда мамлакатимиз сиёсати тинчликпарварлик ва барқарорлик принципларига асосланганини олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон нафақат Марказий Осиё, балки дунё мамлакатлари билан ҳам стратегик нуқтаи назардан савдо-иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳамкорликни мустаҳкамлаб бормоқда. Жамиятимизда яшовчи инсонларнинг Ватанга бўлган муҳаббати она меҳри ва ота жасорати орқали намоён бўлади. Вatan инсоннинг киндик қони тўкилган тупроқ, уни камолга етказадиган, ҳаётига маъно-мазмун бахш этадиган табаррук маскандир. Аждодлардан авлодларга қолдирилган буюк мерос ва унутилмас хотира орқали Ватанни улуғлаймиз. Айни Вatan туйғуси билан яшайдиган инсоннинг ғурур-ифтихори юксак, мақсад-муддаолари аниқ бўлади.

Вatan равнақи, юрт тинчлиги бебаҳо неъматдир. Инсоният кишили тараққиётининг барча босқичларида, аввало, тинчлик ва тотувликка интилиб келган. Ўзбек халқи тинчлик ва барқарорликни юксак қадрлайди ҳамда орзу-интилишларининг рўёбга чиқиши кафолати деб билади. Шунинг учун ҳам озод ва обод яшаш ҳуқуқини шу Ватанда яшаётган ҳар бир фуқаро кўз қорачиғидек асрайдди. Ватанга садоқат, аждодлар меросига ҳурмат ва умумбашариётга муносиб бўлиш орқали инсон зиммасидаги ҳар бир қатта-кичик

Mulohaza

SELFIMANIYA - KASALLIKMI?

Zamonaviy smartfonlar paydo bo'lgandan beri selfi tushish ommalashdi. Bu, ayniqsa, yoshlar orasida keng tarqaldi. Bugungi kunga kelib yoshi katta insonlarning ham o'z-o'zini suratga olayotganiga ko'zimiz tushadi. Yoshlar esa ana shunday rasmlari bilan ijtimoiy tarmoqdagi sahifalarini kundan kunga bezab boryapti.

Selfi – bu mobil telefon yoki kamerada o'zini o'zi suratga olish. Bu qachonlardir yangilik hisoblangan bo'lsa, hozir hamma uchun odat tusiga aylanib ulgurdi. Odamlarning bunchalik ko'p selfiga tushishi yangi kasallik – selfimaniya paydo bo'lishiga olib keldi. Xalqaro psixiatrlar selfimaniyaning ruhiy xastalik ekani haqida aytishdi. Ularning fikricha, o'zini ko'p suratga olish kishilarning ruhiyatida o'ziga bo'lgan ishonchning kamligidan dalolat berar ekan. Shifokorlar selfimaniyaga olib boruvchi uch bosqichni ta'kidlab o'tishgan.

Kasallikning birinchi bosqichida inson har kuni uch martagacha selfi tushadi. Ammo tushgan suratlarini ijtimoiy tarmoqlarga joylamaydi. Bu haqda o'ylab ham ko'rmaydi. Ikkinchi bosqichda ham uchtagacha selfi tushadi, ammo

ularni internetga joylashtirish kerak, deb hisoblaydi. Uchinchi bosqichga yetdimi, demak, uning ruhiyatida jiddiy salbiy o'zgarishlar kuzatiladi. Ularni "selfiboz" deb atashadi. Bunday insonlar bir kunning o'zida juda ko'p suratga tushishadi va kamida oltitasini ijtimoiy tarmoqlariga joylashadi. Ular o'zida suratga bildirilgan fikrlar va "layk"lar soniga kuchli bog'liqlikni his eta boshlaydi.

Psixologlarning aytishicha, yuqorida sanab o'tilgan uch turga kiruvchi selfibozlar ijtimoiy tarmoqlarga ko'plab suratlarini joylab boradilar va virtual olamdagi do'stlaridan surat to'g'risida ijobiy baholarni kutadi. Ularning soniga qarab o'z mavqeyini belgilashga harakat qiladi. Ba'zida maqtovlardan ruhlanib ketgan selfi ishqibozlariga o'zlarida yo'q



xislatlari aslida bordek tuyulib ketadi. Bu bora-bora nevroz va hattoki, yanada chuqurroq patologik holatlar – psixozga ham olib kelishi mumkin.

Chet davlatlardagi tadqiqotchilar ko'ngillilar orasida tajriba o'tkazib ko'rishdi. Tajriba natijasi shuni ko'rsatdiki, ruhshunoslar qabuliga kelayotgan bemorlarning uchdan ikki qismi aynan selfiga mukkasidan ketganlar ekan. Ular beixtiyor tinimsiz selfiga tushar va ularni ijtimoiy tarmoqqa joylayverer ekan.

Lekin selfi tushishning eng og'riqli nuqtasi shundaki, odamlar o'zini o'zi suratga olish vaqtida xavfsizlik masalalarini unutgani sabab turli falokatlar kelib chiqishidir. Eng ko'p halokatlarga sabab bo'ladigan selfilar avtomobil boshqara turib tushirilgan va cho'qqida olingan selfilardir. Misol tariqasida polshalik selfi ishqibozlari bo'lgan er-xotinlarni keltirib o'tishimiz mumkin. Ular cho'qqi ustiga chiqib, selfi tushmoqchi bo'lishadi va jarlikdan yiqilib halok bo'lishadi. Eng achinarlisi, o'sha vaqtda ularni ikki farzandi kuzatib turgan edi. Shunday voqealardan yana

biri AQShning Missuri shtatida yashovchi ikki qiz to'yga shoshilayotgan vaqtda ro'y beradi. Baxtli kelinchak Kolett Moreno va uning dugonasi Eli Teobald bunday baxtli daqiqalarni tarixga muhrlashni xohlashadi. Avtomobil boshqarib borayotgan Eli oldidagi avtomobilni quvib o'tayotganda, dugonasi undan kameraga qarab jilmayishini so'raydi. Bu paytda esa qarama-qarshi yo'nalishda boshqa avtomobil katta tezlikda kelayotgan edi. Qizlardan biri, ya'ni kelinchak Kolett qattiq zarb oqibatida halok bo'ladi, Elini esa xavfsizlik yostiqlashi qutqarib qoladi.

Biz sizlarga bir nechtagina halokatli selfilar haqida ma'lumot berdik. Ammo dunyo bo'ylab ularning soni mingdan ziyoddir. Azizlar, shuni unutmangki, ijtimoiy tarmoqlarga joylayotgan selfilaringiz tagiga qoldirilgan izohlar va "layk"lar hech qachon hayotingizning eng muhim jihati bo'lib qolmaydi. Virtual maqtovlarga uchmang. Zero, hayotingiz boshqalar uchun qancha siri bo'lsa, shuncha qiziq ham bo'ladi.

Muattar MELIYEVA,
«Vatanparvar»

Sayyor qabul

MUROJAATLAR JOYIDA

QANOATLANTIRILDI

Nukus harbiy prokuraturasi tashabbusi bilan Qoraqalpog'iston Respublikasi favqulodda vaziyatlar boshqarmasi tuman (*shahar*) bo'limlarida xizmat qilayotgan harbiy xizmatchilar va ularning oila a'zolari ishtirokida ommaviy sayyor qabul o'tkazildi.



Tadbirda harbiy prokuror adliya polkovnigi F. Begashev so'zga chiqib, harbiy xizmatchilar va ularning oila a'zolarini ijtimoiy qo'llab-quvvatlash hamda fuqarolarning huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish, eng avvalo, xalq bilan muloqot qilish, ularning dard-u tashvishlari, orzu-niyatlari, hayotiy muammo va ehtiyojlarini eshitish, xalq davlat idoralari emas, davlat idoralari xalqimizga xizmat qilishi kerakligi to'g'risida gapirib o'tdi.

Sayyor qabulda 20 nafar harbiy xizmatchi va ularning oila a'zolari ishtirok etgan bo'lsa, shundan 5 nafar harbiy xizmatchi xizmat joyini boshqa tuman-shaharlarga ko'chirish, 4 nafar harbiy xizmatchi moddiy yordam olish, 3 nafar harbiy xizmatchining oila a'zolari imtiyozli uy-joy olish masalasi, qolgan 8 nafari ijtimoiy, iqtisodiy huquqlar yuzasidan murojaatlar qilishdi.

Shuningdek, murojaatlarning 8 tasi joyida qanoatlantirilib, qolgan 12 ta murojaat tegishli tartibda nazoratga olindi.

Adliya mayori Dauran TURUMBAYEV,
Nukus harbiy prokurorining o'rinbosari

Ochiq eshiklar kuni

"VATANPARVAR" – MENING TANLOVIM!"

Mudofaaga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkilotining Bekobod shahri o'quv sport-texnika klubida aholi, ayniqsa, yoshlarni Vatanga sadoqat va harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, ular qalbida yurt taqdiriga daxldorlik hissini shakllantirish, shu bilan birga ularning tashkilot faoliyati va imkoniyatlari to'g'risidagi tasavvurlarini boyitish maqsadida "Vatanparvar" – mening tanlovim!" shiori ostida ochiq eshiklar kuni o'tkazildi.



Yoshlar ishlari agentligi va Respublika ma'naviyat va ma'rifat markazi Bekobod shahri bo'limi hamda Toshkent viloyatidagi harbiy qism bilan hamkorlikda tashkilotilgan mazkur tadbir 100 dan ortiq uyushmagan yoshlarni qamrab oldi. Tadbir davomida sportning texnik va amaliy turlari bo'yicha faoliyat yuritayotgan seksiyalar, to'garaklar hamda o'quv kurslarining ko'rgazmali namoyishlari o'tkazildi. Ko'rgazmani sinchkovlik bilan kuzatgan yoshlar o'zlarini qiziqtirgan savollariga soha mutaxassislaridan batafsil javob oldilar.

Ko'tarinki ruhda, taassurotlarga boy tarzda o'tgan tadbir yoshlarda tashkilot faoliyatiga xayrixohlikni oshirdi. Negaki, shu kuni tadbirning ko'plab ishtirokchilari o'quv sport-texnika klubiga a'zo bo'lish istagini bildirishdi.

– Tadbirda ishtirok etgan yoshlarning aksariyati bugungi kun ularning dunyoqarashida, orzularida tub burilish yasaganini quvonch bilan ta'kidlashganida biz ham xursand bo'ldik, – deydi Bekobod shahri O'STK boshlig'ining o'rinbosari Zulayho Ostonsova. – Demak, ularda Vatanni himoya qilish, koriga yaraydigan inson bo'lish uchun biror kasb yoki sohaning boshidan tutishlari lozimligi haqida tasavvur paydo bo'ldi. Bu bizning eng katta yutug'imiz. Yutuqlar insonni ruhlantiradi, deyishadi. Shunday ekan, bundan buyon ham yoshlar ishtirokida mana shunday harbiy-vatanparvarlik tadbirlarini ko'proq o'tkazishni o'z oldimizga maqsad qilib qo'ydik.

Mayor Gulnora HOJIMURODOVA

ИМТИЁЗ —

КЕЛАЖАККА ИШОНЧ

У олий таълим имтиҳонларига тайёргарликни тенгдошларидан анча кеч бошлади. Имтиҳон куни яқинлашгани сари вужудини ғалати ҳислар эгаллаб олди.

Дўстларидан ажралиш, ёлғиз ўғил экани, катта ҳаёт остонасида турганию келажак хавотири тунларини бедор қилди. Ўй-хаёл туфайли ўқиб-ўргангани ҳам хотирасидан ўчаверди.

Ҳужжат топширишнинг охириги куни ногиронлик учун алоҳида квота мавжудлигидан хабар топди. Умид пайдо бўлди кўнглида...

Ниҳоят, натижалар эълон қилинди. Давлат гранти бўйича талабалikka тавсия этилгани эшитиб, нафақат ўзининг, балки барча яқинларининг кўнглига ёруғлик инди. Талабаликнинг илк кунларидаёқ олдига катта мақсадлар кўйди. Болалигидек вақтни шамолга совиришдан йироқ бўла бошлади. Ўз устида кўпроқ ишлашга ҳаракат қилди. Натижалар ҳам секин-асталик билан бўй чўзаверди...

Бу мен гувоҳи бўлганлардан бири холос. Юртимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож, турмуш шароити оғир, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, чин етим ва ногиронлиги бўлган ёшларга манзилли кўмаклашиш бўйича мутлақо янги тизим яратилди. «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари» бу борада амалга ошириладиган ишларни янги босқичга кўтарди. Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 13 июлдаги «Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги «Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида мазкур йўналишдаги амалий ишлар ҳаётга татбиқ этилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар қаторига «Темир дафтар»га киритилган оилаларнинг профессионал ва олий таълим муассасаларида таҳсил олувчи ўн саккиз ёшдан ўттиз ёшгача бўлган фарзандлари ҳам киритилиб, уларнинг таълим олиши бўйича тўлов-контракт суммасининг бир қисмини тўлаб бериш тартиби жорий этилди. Бу эса ёшларга куч-шижоат бағишлади.

Шу билан бирга Президентимизнинг 2018 йил 14 майдаги қарори талабларига мувофиқ, 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар ходимларининг фарзандлари учун олий таълим муассасалари бакалавриатига ўқишга кириш учун беш фоизли квота ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ёки ногирон бўлиб қолган ходимларнинг фарзандларига олий таълим муассасаларининг бакалавриатига танловсиз қабул қилиниши тўғрисида тавсияномалар берилиши ҳам эътирофга лойиқдир.

Юртимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшган, хизматдаги ҳарбий ва илмий фаолиятда маълум бир натижаларга эришган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи вазирлик ва идораларнинг хизматдаги офицерлари, контракт бўйича хизмат қилаётган сержантлар ва оддий аскарлар таркибидagi ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари учун берилётган тавсияномалар ҳам ёшлар ҳаётида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Биз жорий йилда шундай тавсияномага эга бўлган ёшларнинг фикр-мулоҳазалари, келажак режалари билан қизиқдик.

Фотима ва Зухро
УМУРЗОҚОВАЛАР:

– 2005 йилда Бухоро вилояти Когон шаҳрида туғилганмиз. Тошкент шаҳри Яшнобод туманидаги 161-умумтаълим мактабидa таҳсил олдик. Устозларимизнинг барчаси бирдек, ўз соҳасининг етук мутахассислари бўлганлиги учун барча тенгдошларимизнинг билим олишга бўлган қизиқиши баланд эди. Шоира Йўлдошева, Сапура Алексеевна, Гулнора Халилованинг меҳнатлари алоҳида ўрин тутди. Улар сабаб мактаб даврида кўплаб фахрли ютуқларга эришдик.

Чет тилни билиш бўйича IELTS сертификатига эга бўлдик. Бу учун барчаларига миннатдорлик билдирамыз.

Отамиз полковник Акмал Сувонов Қуролли Кучлар сафида анча йиллардан буён меҳнат қиладилар. Онамиз Сабоҳат Сувонова уй бекаси. Бизнинг таълим-тарбиямизга жиддий қарашган. Билим олишимиз учун етарлича шароит яратиб, бизни қўллаб-қувватлашган. Шулар сабаб мактабни имтиёзли тамомладик. Президентимизнинг қарорларига мувофиқ жорий этилган тавсияномага ҳам эга бўлдик. Бу аслида биз ёшларнинг келажакимиз учун берилган ишонч деб биламыз. Ўқишни Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида давом эттириш ниятидамыз. Насиб этса, келажакда таржимон бўлиб, юртимизга, халқимизга фойдаси тегадиган кадрлар бўлиб етишиш ниятидамыз. Бу мақсад йўлида ҳамиша излашишдан тўхтамаймыз.



Умида АБДУМАННОПОВА:

– Болалик давримдан орзуларим кўп бўлган. Ота-онам буларга фақат билим эгаллаш орқали эришиш мумкинлигини уқтириб келишган. Ўқишга муҳаббатимни оширишган. Кейинчалик Самарқанд шаҳридаги 41-умумтаълим мактабидaги устозларим илм олишга бўлган шижоатимни янада оширди. Отам полковник Қаҳрамон Очилов тартиб-интизомни яхши кўрадилар. Шу сабаб ҳамма иш ўз вақтида бўлишини хоҳлайдилар. Мактаб топшириқлари, кўшимча машғулотлар ва келажак режаларимни доимий назорат қилиб борадилар. Онам Саида Очилова ҳам ўқитувчи бўлганлари учун уларга муносиб фарзанд бўлишга, ортимдан яхши фикр эшитишларига ҳаракат қилардим.

Мактабни олтин медалъ билан тамомлаганим ҳаётимдаги энг қувончли воқеаларидан бири бўлди. Келажакда тиббиёт йўналишида билим олмақчиман. Ҳужжатларимни Тошкент тиббиёт академиясига топширдим. Мудофаа вазирлигининг бўйруғига асосан, тавсияномага эга бўлдим. Бу менга бир имконият бўлиши баробарида масъулият ҳам юклайди. Насиб этса, ёруғ юз билан талаба бўлиш ниятидаман. Келажакда эса тиббиёт соҳасида ўз ўрнимга эга бўлиб, юрдошларимизнинг дардига малҳам бўлиш истагидаман.



Shifokor maslahati

Аденовирусли конъюнктивит (*Adenovirus conjunctivitis*) организм шиллик пардаларининг вирус билан, шу жумладан, кўзнинг ҳам шиллик пардаси, баъзан шоҳпардаси яллиғланишидир. Бу касаллик ўта юқумли инфекция-контагиоз касалликларга кириб, инкубацион даври 2-12 кунгача давом этади. Авжига чиқиш вақти ваҳор ва ёз ойларига тўғри келади. Кўёшнинг иссиқда радиацияси ошган вақтларда кўзнинг касаллик юқтириш эҳтимоли юқори бўлади.

Конъюнктивит – кўз шиллик пардаси. Юқори ва пастки қовоқларнинг ички (*кўз соққасига қараган*) сатҳини ва кўзнинг оқсил (*оқ*) пардасини беркитиб туради. Қовоқлар уст томондан юпқа тери билан, кўзнинг ички юзасига қараган сатҳи эса шиллик парда – конъюнктивит билан қопланган. Конъюнктивитлар ичкарида кўз соққасига ёпишади. Юқори қовоқнинг шиллик қаватида 30-40, пастки қовоқнинг ички юзасида 20-30 та майда кўз ёши безчалари жойлашган. Улар ажратган суюқлик конъюнктивитни, шиллик парда сатҳини ва кўз мугуз пардасини тўхтовсиз намлаб, қуриб қолишдан сақлаб туради. Конъюнктивит – конъюнктивитнинг яллиғланиши. Асосан инфекция, физик ва кимёвий моддалар тушиши, умумий инфекция касалликлар, шунингдек, алкоголизм ва бошқалар сабаб бўлади.



АДЕНОВИРУСЛИ КОНЪЮНКТИВИТ

БЕМОРНИНГ ШИКОЯТЛАРИ

Кўзлардаги оғриқ ва қизариш, баъзан эрталаб турганда киприкларнинг ёпишиб қолиши натижасида кўзларни яхши очолмаслик, кўриш ўткирлигининг пасайиши билан боғлиқ. Организмда умумий шамоллаш, ҳолсизлик, ОРЗ ёки гриппга ўхшаш ҳолат кузатилади. Натижада тонзиллит, фарингит пневмониялари ва бошқа касалликлар келиб чиқади.

ЮҚИШ ЙЎЛЛАРИ

Асосан жамоат жойларида ҳаво-томчи, бемордан соғлом одамга тўғридан-тўғри контакт йўли билан ҳамда шахсий гигиена қоидалари бузилиши натижасида юқади.

БЕЛГИЛАРИ

Қовоқлар шишади, четлари қизаради, баъзан киприк соҳасида ажралмалар учрайди. Вақтида даволанмаса, кўз шоҳпардаси четларида инфилтрат ҳосил қилиб, шоҳпарда синдромини келтириб чиқаради.


Аденовирус инфекцияси ўткир респиратор касаллик бўлиб, лимфатик безлар, кўз ҳамда нафас йўли шиллик қаватларининг зарарланиши ва кучсиз захарланиш аломатлари билан ифодланади.

ТУРЛАРИ

Аденовирусли конъюнктивитнинг 3 хил тури бор: катарал, фолликуляр, плёнкали. Катарал турида кўздан ёш оқиш, ёруғликдан қўрқиш, қовоқларнинг шишиши, қизариши, блефароспазм, кам шилликли ажралма, конъюнктивитнинг гиперемияси ва инфилтрацияси кузатилади. Фолликуляр турида юқоридаги ўзгаришлар билан бир қаторда, конъюнктивитда юзаки жойлашган майда фолликуляр бўлади. Плёнкали тури асосан болаларда учраб, катарал турдаги ўзгаришлар билан бир қаторда конъюнктивитда юпқа плёнкалар ҳосил бўлиши билан намоён бўлади.

ПРОФИЛАКТИКАСИ

Ҳар қандай инфекция касаллигининг олдини олиш учун сани-



тар-эпидемиологик ва гигиеник қоидаларга амал қилиш ҳамда кўзга тегинишдан олдин қўлларни ювиш талаб этилади.

Бировнинг сочиғини ишлатмаслик ва уларни тез-тез алмаштириш. Ёстиқ жилдларини ўз вақтида алмаштириш. Аёлларга: муддати ўтган ёки бировнинг косметика воситаларидан фойдаланмаслик.

Тиббий хизмат подполковниги **Ф. ҚУРБОНОВ**, тиббий хизмат капитани **Э. ҚУВОНДИҚОВ**, тиббиёт фанлари номзоди, доцент **А. ШАРОПОВА**

Bilasizmi?

ҚАҲВАНИНГ АЖОЙИБ ХУСУСИЯТЛАРИ

Қаҳва - дунёдаги энг машҳур ичимлик. Унинг таъми деярли барча маҳсулотлар билан уйғунлаша олади, ҳидини эса ҳар қандай муҳитда ҳам илғаш мумкин. Катта шаҳарларда деярли ҳар бир инсон кунни қаҳва билан бошлайди.



Шунга қарамай, ичимлик хусусиятлари охиригача ўрганилмаган. Қаҳванинг зиёнини исботловчи қатор тадқиқотлар ва уларга ишонувчи кўпгина одамлар бор. Бироқ аслида ушбу хушбўй ичимликнинг саломатликка сезиларли таъсири жуда катта. Трендимен қаҳванинг яқиндагина илм-фан томонидан кашф қилинган хусусиятларига доир далиллари билан бўлишди.

ҚАҲВА ВА ЖИГАР

Италиянинг Марио Негри университетининг олимлари тасодифан қаҳва жигарга ижобий таъсир кўрсатишини аниқлашди. Тасодифан дейилишига сабаб тадқиқотчилар бу ичимликнинг ўт пуфагига таъсирини ўрганишаётган эди (*маълум*

бўлишича, қаҳва бу ерда тошлар пайдо бўлишининг олдини олар экан), жигар циррози ривожига хавфи эса 50 фоизга камаяр экан.

ҚАҲВА ВА БИОРИТМЛАР

Замонамиз кишиларининг аксарияти жет-лага тушунчасига эга. Қанчалик ғалати эшитилмасин, буни фақат ушбу тетиклаштирувчи ичимлик уддалай олади. Қаҳва нафақат тетиклаштиради, балки тезкор акклиматизация ва биоритмлар меъёрлашувига ҳам туртки беради.

ҚАҲВА ВА АҚЛИ ЗАИФЛИК

Швейцариялик олимлар қаҳванинг ақли заиф инсонларга қандай таъсир ўтказиши юзасидан тадқиқот олиб бордилар. Тажриба алцгеймер касаллигининг хавфи

гуруҳига кирувчи катта ёшли кишиларда ўтказилди. Натижаларга кўра, кунига уч пиёла қаҳва ақли заифлик хавфини 65 фоизга камайтирган.

ҚАҲВА ВА ОРТИҚЧА ВАЗН

Қаҳва метаболизмни оширади ва бир вақтнинг ўзида иштаҳани пасайтиради. Бу тўғри, соғлом ва мустаҳкам қоматга эга бўлишга ёрдам беради. Фақат шуни унутмангки, қаҳва парҳезини жисмоний машқлар билан мустаҳкамлаш лозим.

ҚАҲВА ВА ЮРАК

Қаҳванинг юрак-қон томир тизимига салбий таъсири энг кенг тарқалган ишончсиз маълумотлардан бири ҳисобланади. Асли-

да, Беркли олимларининг яқинда ўтказган тадқиқотлари натижасига кўра, ҳар кунга беш финжон қаҳва ичувчи кишилар бошқа ичимлик ичувчиларга қараганда деярли уч баравар камроқ юрак касалликларидан азият чекар экан.

ҚАҲВА ВА САРАТОН

Ўтган асрнинг 70-йилларида баъзи тадқиқотлар қаҳванинг саратон касалликлари хавфини оширишини қисман исботлаган. 2007 йилдаги такрорий тажрибалар эса буни инкор қилди: қаҳва аксинча, простата ва кўкрак бези саратони касалликлари хавфини камайтиради.

М. МЕЛИЕВА тайёрлади.

Kurash

MUHMIM AHAMIYATLI

Fransiya poytaxti Parij shahrida kurash bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Prezidenti sovrini uchun xalqaro turnir bo'lib o'tdi. Osiyo-Okeaniya kurash konfederatsiyasi tomonidan esa yoshlar o'rtasidagi joriy yilgi qit'a chempionati Tailandning Chonburi shahrida o'tkazilishi e'lon qilindi.

Mazkur musobaqa yana ikki yildan so'ng "Parij – 2024" yozgi Olimpiya o'yinlariga mezbonlik qiladigan shaharda o'tkazilgani bilan yurtimiz sporti tarixida muhim ahamiyat kasb etdi. Milliy sportimiz – kurash bellashuvlari tufayli Parij shahridagi Eyfel minorasi yonida kuy-qo'shiqlarimiz ijro etildi, o'zbekona so'zlar yangradi. Milliy an'analarimiz, xalq hunarmandlik asarlari namoyish etildi.

Eyfel minorasi yonida minglab sayyohlar guvohligida o'tgan xalqaro kurash musobaqasida 30 ga yaqin davlat polvonlari ishtirok etdi. Erkaklar o'rtasidagi mutlaq (+100 kg) vazn toifasi bo'yicha o'tgan bellashuvlarda Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi vakili Muhsin Hisomiddinov ham qatnashdi. 33 yoshli polvonimiz o'tgan yili yurtimizda o'tkazilgan at-Termiziy xotirasiga bag'ishlangan an'anaviy xalqaro turnirda barcha raqiblarini mag'lub etib, bosh sovrinni qo'lga kiritgandi. Fransiya poytaxtida o'tkazilgan musobaqada esa xalqaro toifadagi sport ustamizning omadi chopmadi. Shuningdek, taniqli

polvonimiz Sherali Jo'rayev ham Parijda raqiblariga imkoniyatni boy berib qo'ydi. Shunga qaramay, muxlislar diqqat-markazida bo'lgan og'ir vaznli polvonlar o'rtasidagi bahsda pahlavonlar yurti sanalgan mamlakatimiz vakili g'oliblikka erishdi. Murosasiz kechgan bellashuvlar davomida hamyurtimiz Muhammadkarim Xurramov barcha raqiblaridan ustun kelib, musobaqaning bosh sovriniga egalik qildi. Ikkinchi va uchinchi o'rinlar serbiyalik Sulum Zakro hamda makedoniyalik Danov Bobanga nasib etdi.

Ayollar o'rtasidagi bellashuvlarda germaniyalik Grabovski Jasmin g'oliblikka erishdi. Polsha, Fransiya va Belgiya vakillari sovrindor bo'ldi. Hamyurtimiz Durдона Abdujabborova esa 7-o'rin bilan kifoyalandi. G'olib va sovrindorlar tegishli darajadagi mukofot va sovg'alar bilan taqdirlandi.

Osiyo-Okeaniya kurash konfederatsiyasi esa o'tgan hafta o'zining onlayn yig'ilishini o'tkazdi. Unda yoshlar (20 yoshgacha) o'rtasidagi joriy yilgi qit'a chempionati qayerda va qachon o'tkazilishi masalasi ham

**MUSOBAQA**

ko'rib chiqildi. Onlayn yig'ilishda Osiyo-Okeaniya kurash konfederatsiyasi milliy federatsiyalar tomonidan kelib tushgan murojaatlar hamda Tailand tomonidan taqdim etilgan reja asosida yoshlar o'rtasidagi Osiyo chempionatini Chonburi shahrida o'tkazish to'g'risida qarorga kelinganini ma'lum qildi. Shunday qilib, qit'aning eng kuchli yosh sportchilari ishtirok etadigan mazkur birinchi 4–8-sentabr kunlari Tailandning Chonburi shahrida o'tkaziladigan bo'ldi.

Osiyo-Okeaniya kurash konfederatsiyasining ushbu qarorga kelishi bejiz emas. Chunki endilikda

Tailand xalqaro sport musobaqalarining o'ziga xos markazlaridan biri hisoblanadi. Mamlakat poytaxtidan 70 km uzoqlikdagi Chonburi shahrida bir necha sport turlari bo'yicha jahon va qit'a chempionatlari, xalqaro turnirlar muntazam ravishda o'tkazib kelinadi. Xususan, Osiyo Olimpiya kengashi tomonidan ham keyingi yilda Bangkok va Chonburi shaharlariga Yopiq inshootlar jang san'atlari bo'yicha VI Osiyo o'yinlari mezbonligi ishonib topshirilgan. Mazkur Osiyo o'yinlari dasturidan o'zbek kurashi ham rasman o'rin olgan.

Yengil atletika

YOSH SPORTCHIMIZ**ISHONCHNI OQLADI**

AQShning Yujin shahrida yengil atletika bo'yicha XVIII jahon chempionati o'tkazildi. Unda Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi (MVSM) vakili Safina Sa'dullayeva ham qatnashdi.

Dunyo sport muxlisleri jahonning eng nufuzli musobaqasi sanalgan yozgi Olimpiya o'yinlarida, birinchi navbatda, "Sport qirolchasi" nomi bilan yuritiladigan yengil atletika bo'yicha bahslarga katta qiziqish bilan qarashadi. Shu bois qit'a va jahon sport ekspertlari ham mamlakat sporti darajasini baholash va muayyan qarorga kelishda avvalo yurt vakillarining aynan shu sport turi bo'yicha Olimpiya o'yinlarida qatnashuvi va erishgan natijalariga e'tibor berishadi. 15–24-iyul kunlari AQShning Oregon shtati Yujin shahrida o'tkazilgan yengil atletika bo'yicha XVIII jahon chempionati ham bundan xoli bo'lmadi – jahon sport



muxlislarining diqqat-e'tiborini o'ziga qaratdi. Shunga yarasha bu yilgi jahon chempionati ham qiziqarli, murosasiz bahslarga boy o'tdi. O'z navbatida, sportchilar tomonidan bir necha bor jahon rekordlari yangilandi. Dunyoning 190 dan ziyod davlatidan 2 ming nafarga yaqin sportchi qatnashgan chempionatda 2021-yilgi mavsumda Turkiyaning Istanbul, Antaliya va Mersin shaharlarida o'tkazilgan uchta xalqaro turnirning oltin medallariga sazovor bo'lgan MVSM vakili, sport ustasi Safina Sa'dullayeva ham ishtirok etdi.

Sportchimiz dastlab mazkur dunyo birinchi ligining balandlikka sakrash yo'nalishida "A" kvalifikatsiya guruhida ishtirok etdi va final yo'llanmasini qo'lga kiritdi. Chempionat dasturi va bahslarning borishiga muvofiq final bosqichida qatnashish huquqini qo'lga kiritish uchun

sportchilar saralash bosqichda 1.93 metr balandlikni zabt etishlariga to'g'ri keldi. Safina Sa'dullayeva buni tezda uddaladi. Vaholanki, u Turkiyadagi xalqaro turnirlarning dastlabki ikkitasida 1.86 va 1.92 metr natija ko'rsatib g'olib chiqqan, keyingisida esa 1.94 metr natijaga erishgandi. Demak, XVIII jahon chempionatining final bosqichiga chiqishning o'zi sportchimiz uchun ajoyib muvaffaqiyat bo'ldi.

Final bahslarida ham Safina Sa'dullayeva yuksak mahorat namoyish etdi. U dastlabki urinishlarda 1.89 va 1.93 metr, so'ng 1.96 metr balandlikdan oshib tushishga muvaffaq bo'ldi, barakalla! O'z navbatida, shuni alohida ta'kidlash joiz, jahon chempionatining ushbu yo'nalishidagi bahslari o'ta murosasiz kechdi. Shu bois Sa'dullayeva 1.98 metr uchun bahsda birinchi harakati

omadsiz o'tgach, mazkur balandlikni o'tkazib yubordi va zaxirada qolgan 2 urinishni 2 metr balandlik uchun ishlatishni tanladi. Biroq yakunda ushbu urinishlar ko'ngildagidek chiqmadi va sportchimiz 1.96 metr ko'rsatkich bilan cheklanishga majbur bo'ldi. Ushbu natija MVSM vakilining jahon chempionati sovrindorlari safidan joy olishi uchun kamlik qildi. Kuchli raqobatli bahslardan so'ng 2.02 va 2.00 metr balandliklardan oshib tushgan avstraliyalik Elianor Petterson, ukrainalik Yaraslava Maguchix hamda italiyalik Yelena Vallortigara sovrindor bo'ldi. Safina Sa'dullayeva esa jahon chempionatini ukrainalik Irina Gerashenkodan so'ng beshinchi o'rinda yakunladi. Eslatib o'tamiz, Safina "Tokio – 2020" yozgi Olimpiya o'yinlarida ham aynan 1.96 metr ko'rsatkich bilan oltinchi o'rinni egallagan va buni oldindan kutmagan jahon mutaxassislari "yetakchi sportchilarning yangi raqobatchisi paydo bo'ldi", deb baholashgandi. AQShdagi dunyo birinchi ligi orqali biz endi 23 yoshdan oshgan Sa'dullayevaning yuqori mahoratiga yana bir bor amin bo'ldik, o'z navbatida, 1.98 metr balandlikni allaqachon zabt etib, dunyo sport muxlisleri e'tiborini qozongan Svetlana Radzivil va Nadejda Do'sanova kabi mohir sportchilarimizning yana bir munosib izdoshi yurtimizda kamol topayotganidan mamnun bo'ldik.

Rasul JUMAYEV,
«Vatanparvar»

Vogleiy hikoya

ЙЎЛ



Хар гал ижодий гурухимиз билан Термизга хизмат сафарига борганимизда шаҳардан чиқаверишдаги бир меҳмонхонада тўхташга одатланиб қолганмиз. Ишимизга ҳам жуда қулай. Шундоққина кўчага чиқиб, борадиган манзилимизга 5-10 дақиқада етиб олиш мумкин. Энг асосийси, йўл четида сурхонча таомлар тайёрлайдиган кафе жойлашган. Овқатланиш учун узоққа бориб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Икки қаватли меҳмонхонадаги шароит ўртача. Ўта ҳашаматли ҳам, ўта ғариб ҳам эмас. Нархи ҳам чўнтак кўтарадиган даражада. Шаҳардаги бошқа меҳмонхоналарга қараганда анча арзон. Аммо хизмат кўрсатиш сифати аъло даражада. Эрталаб нуношга энгилгина тамадди қилиб олиш имконияти мавжуд. Меҳмонхона кунлик тўловининг ичида. Деярли бир ҳафталик хизмат сафари давомида фақат кечки пайт ухлаш учун келсак-да, ҳар куни хоналаримиз дид билан тартибга келтирилган бўлади. Шошилишда ўз ўрнида қолдирилмаган буюмларимиз ҳам эътибордан четда қолмайди. Чойшаб ва сочиклар алмаштирилган, алмаштирилганда ҳам ҳар сафар қандайдир декоратив кўринишда тахланишини айтмайсизми?!

Бизга хизмат кўрсатадиган меҳмонхона ходимлари орасида энг хуш-

Fikr va mulohazalaringizni
@Vatanparvargazetasi_bot
manziliga jo'natishingiz mumkin

ЧЕТИДАГИ
БОЛА

муомалалиси Бекзод. Кўриб қолгудек бўлса: «Акалар, яхши дам олдиларингизми? Чарчамай келдиларингизми? Камчиликлар йўқми?» деган саволлар билан кайфиятимизни кўтариб қўйишни қанда қилмайди. Бизга Термизда ҳамроҳлик қиладиган Жамшиднинг айтишича, Бекзод кундузи тайёрлов курсида ўқиб, кечки пайт меҳмонхонада навбатчи вазифасини бажарар экан. Ҳа, айтганча, Жамшиднинг хушмуомалалиги меҳмонхона навбатчиси синикидан асло қолишмайди. Кун давомида беш-ўн маротаба кайфиятимиз қандайлигини сўраб туради. Хуллас, ҳар сафар одатий ва ноодатий топшириқларни бажариб, вақтнинг ўтганини ҳам сезмай қоламиз.

Хизмат сафарларимизнинг бирида ҳеч ёдимдан чиқмайдиган воқеага гувоҳ бўлдим. Қайтишимиздан бир кун аввал йўл бўйидаги кафедра шериклар билан ўтирдик. Сафар давомида бизни олиб юрган ҳайдовчимиз Раҳматулло эса даврага сал кейинроқ келиб қўшилишини айтганча, машинасининг у ёқ бу ёғини кўздан кечириш учун биздан узоқлашди...

– Одам бўлмай кет! Болам ярим тунда қаерда юрибди, дея хаёлига келтирмайдиган сендай отага ҳайф! Муштдеккина бола бўлса. Ҳойнаҳой, қачон пиво келишини кўзи тўрт бўлиб кутиб турган бўлса керак, ярамас, пиёниста! Виждонсиз! Вояга етмаган болангни хор қилган сендақа отанинг Худо жазоингни берсин!..

Раҳматуллонинг асабийлашиб, жиғибийрон бўлаётганидан, кимнинг отаси, қайси бола ҳақида гапираётганига тушуна олмай деярли ҳаммамиз бараварига, кимни айтмасиз дегандай унинг юзига тикилдик.

– Анави йўл бўйида турган бола-да. Кўринишидан ҳали 5-6-синфда ўқийдиган гўдакка ўхшайди. Ҳар куни оиласининг кам-кўсти учун шаҳарга ишлашга келар экан...

Беш жуфт кўзнинг нигоҳи бирваракайига кўча четида ахён-ахёнда ўтаётган машиналарга қўл кўтариб турган ўша болакайга қаратилди. Раҳматулло асабийлашишдан тўхтамас, болакайнинг бугунги ишлаб топган пулига иккита нон, картошка, пиёз ва пиёниста отасига 1,5 литр пиво сотиб олганига айтиб, ўзи танимайдиган пиёниста отани тинмай сўкарди. Нотаниш пиёниста отани сўкиб, хуморидан чиқди шекилли, сўзининг охирида олтинтепаллик экан, деганча бироз тин олди.

Бирор йўловчи машинани тўхтатишга ёрдам бериш илинжида шерикларимдан узр сўраганча ўрнимдан кўзгалдим. Болага яқинлашар эканман, унинг аҳволини кўриб, янада тўлқинланиб

кетдим. Оёғида униқиб кетган резина шиппак, эгнида ранги учган футболка ва трико. Иш кийими ўрнида ҳам, кўча кийими ўрнида ҳам фойдаланганидан бир аҳволга келиб қолган. Бунинг устига ҳали суяги қотиб улгурмаган болани оғир меҳнат анча чарчатиб қўйгани кўзларидан билиниб турарди.

– Салом. Машина тўхтамаяптими? – вазиятни кўра-била туриб берган саволимдан ўнғайсизланганча боланинг исмини, қаерга бориши кераклигини сўрадим.

– Ассалом. Биз томонга кетадигани тўхтамаяпти. Исми Озодбек. Олтинтепага етиб олишим керак.

Раҳматуллонинг олтинтепаллик экан, дегани ёдимга тушди. Озодбекнинг ёнида турганча иккаламиз машиналарга қўл кўтара бошладик.

– Ҳар куни келасанми Термизга? Яъни пул топишга. Нима иш қиласан? Иш жойинг тайинлими? Роса кеч бўлиб қолди, иш жойингда тунаб қолишининг имкони йўқмиди?

Ҳозир Олтинтепа томонга кетадиган машина келиб тўхтади-ю, гўёки Озодбек кетиб қоладигандай у ҳақда кўпроқ билиб олишга ҳаракат қилардим. Озодбек чарчаган бўлишига қарамай ҳеч бир саволимни жавобсиз қолдирмасди. Машина тўхтатишга ёрдамга келган бегона амакининг саволларига қисқа бўлса-да жавоб қайтарарди.

– Аниқ бир жойда ишламайман. Пулини келишиб, тўғри келган юмушни бажариб кетавераман. Уйга бормасам, хаста онажоним, укаларим ва синглим эртага нонсиз, овқатсиз қийналиб қолишади. Отамга эса фарқи йўқ. Ҳеч қаерда ишламайди. Уни фақат ҳар куни олиб борадиган 1,5 литр пивоғина қизиқтиради холос. Бунинг устига эрталаб мактабга боришим керак. 6-синфда ўқийман, дарсларимни асло қолдирмайман. Дарсдан кейин эса одатдагидай шаҳарга пул топишга келаман...

«Одатдагидай...» Наҳотки, шу гўдак тирик мурдага айланган отаси ўрнида оиласини боқиши кераклиги ўзи учун одат бўлиб қолганини шунчалик эрта англаб етган бўлса? Озодбек онаси, укалари ва синглиси ҳақида гапирганда, уларга нисбатан меҳри бўлакча эканини сўзларидан билиб олиш қийин эмасди. Отаси ҳақида совуққон билдирган фикридан ҳаётнинг паст-баландини анча кўргани билиниб турарди. Озодбекнинг катталардек фикрлаши 12-13 ёшли болакайникига сира ўхшамасди. У вақт алламаҳал бўлиб қолганини, эртага деяётган кун аллақачон кириб келганини ҳам билмасди. Чунки қўлида на соати, на телефони бор.

– Онажонинг касалми?

Ҳозиргина бу ҳақда унинг оғзидан эшитган бўлсам-да, ўша мавзуга қайтдим.

– Ҳа. Отамнинг маст ҳолда тинимсиз калтаклашлари натижасида тўшакка миҳланиб қолган. Даволатишга эса имкониятимиз йўқ. Катта бўлиб кў-ў-ўп пул топсам, онажонимни албатта ўзим даволатаман...

Озодбек ўзи сезмаган тарзда мурғак қалби тубига йиғилиб қолган дардлари ҳақида сўрама-сам-да, суҳбатни давом эттирарди. Айниқса, болаларча кў-ў-ўп дейиши болалик оламини тўлиқ тарк этиб улгурмаганидан далolat берарди. Унинг ҳикоясидан ўпкам тўлиб, бўғзимга нимадир тиқилди.

Ярим соатча вақт давомида машина тўхтавермагач, атрофга алангладим. Биздан 15-20 метрлар чамаси нарироқда уч нафар ўрта ёшдаги аёл ҳам қўл кўтарганча йўловчи машина тўхтатишга ҳаракат қиларди.

– Опалар, мабодо йўлингиз Олтинтепа томонга бўлса, шу укамни ҳам шерик қилиб олиб кетмайсизларми?

– Олтинтепага муюлишдан чап томонга кетилади. Бизнинг йўлимиз ўнг томонга.

Озодбекни уларга қўшиб жўнатсам, уйига бежавотир етиб олади, деган илинждаги режам аёлларнинг бу жавобидан сўнг саробга айланди. Бола-ку кўчада қолиб кетмас. Хонада бемалол икки киши ётишга имконият бор. Меҳмонхона ходимларидан илтимос қилсам, йўқ дейишмас. Ҳеч бўлмаса бир кечага пулини тўларман. Хаёлимда минг ўй ғужгон ўйнаб турган маҳал «Spark»да бир ёш йигит келиб тўхтади.

– Тоға, қайси томонга кетасизлар? Олтинтепага кетяпман, йўлингиз бўлса, чиқишингиз мумкин.

– Укажон, борингизга шукр. Мен эмас, мана бу укамиз Олтинтепага етиб олиши керак. Сизни Худонинг ўзи етказди. Қанча бўлади?

Йигитнинг тоға дея сурхонча гапириши қулоғимга шу қадар ёқимли эшитилдики, беихтиёр атрофимизда меҳрибон одамлар борлигига шукрона келтирдим.

– Унақа деманг-да, тоға! Йўлим айнан ўша томонга бўлса. Одамни уялтирманг. Укамизни уйигача ташлаб қўяман.

«Spark» ҳайдовчиси гапини тугатар-тугатмас, машинанинг олд эшигини очиб, Озодбекни ичкарига таклиф қилдим-да:

– Қаерга боришни Озодбекнинг ўзи айтади. Биз у билан, чамаси, бир соат олдин танишиб қолдик.

Озодбек машинага ўтиргач, раҳмат айтганча мен билан хайрлашди. «Spark» ўрнидан кўзғалиб, муюлишда кўздан ғойиб бўлгунча қараб турдим-да, шерикларим олдига йўл олдим. Бироз аввал Раҳматулло асабийлашиб, жиғибийрон бўлган воқеанинг давомини шерикларимга ҳикоя қилиб бердим. Тонг отай деб қолганига қарамасдан, ҳеч биримиз Озодбек деган болакай яшаётган оламга тушиб қолгандик.

Камолитдин АСРОП

Harbiy texnika

ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН



ГАУБИЦА

Туркия армиясининг Қурукликдаги қўшинлари тасарруфидаги Т-155 «Фиртина» типдаги 155 мм.ли ўзиюрар гаубица (ЎГ) Жанубий Корея мутахассислари томонидан яратилган К9 «Тандер» номли гаубицанинг такомиллаштирилган варианты ҳисобланади. Турк мутахассислари унинг конструкциясига бир қатор ўзгаришлар киритган, шунингдек, борт ускуналарининг бир қисмини алмаштирган. Кореядан олинган лицензия бўйича ана шу типдаги гаубицадан жами 300 та ишлаб чиқарилган. Унга ствол узунлиги 52 клб бўлган 155 мм.ли нарезкали тўп ўрнатилган бўлиб, у тирқишли ствол тормози ва эжекторга эга. Казенник ярим автоматик затвор билан жиҳозланган. Ствол такомиллаштирилган гидропневматик мосламага ўрнатилган. Гаубицанинг олд қисмига мотор-трансмиссия бўлими жойлаштирилган, ундан чап томонда ҳайдовчи учун бўлма ажратилган. Машина асосини зирхланган гусеницали шасси ташкил этиб, унга тўлиқ бурилувчи башня ўрнатилган. Пайвандланган зирхли варақлардан тайёрланган корпус ва башня экипаж аъзоларини ўқлар ва снаряд парчаларидан ҳимоялашни таъминлайди. Гаубицага Германияда ишлаб чиқарилган, қуввати 1 000 от кучига тенг бўлган МТУ-881 типдаги дизель двигатели ҳамда «Аллисон» типдаги автоматик трансмиссия ўрнатилган. Юриш қисми таркиби иккала борт томонда олтитадан қўш қаватли таянч катокдан иборат бўлиб, унда мустақил гидропневматик илгичдан фойдаланилган. «Фиртина»нинг жанговар оғирлиги 56 тонна, шоссе бўйлаб максимал юриш тезлиги соатига 65 км, ёқилғи бўйича юриш захираси 480 км, бошқарувчи ҳарбийлар гуруҳи (расчёт) беш кишидан иборат. Максимал ўт очиш тезлиги дақиқасига 6 та отиш (3 дақиқагача давом этиши мумкин).

СОВРЕМЕННЫЙ БОЕВОЙ



КОРАБЛЬ

Корвет «Кыналиада» ВМС Турции (бортовой номер 514, типа «Хейбелиада») был заложен 18 июня 2016 года на верфи «Истанбул нэйвл шипъярд» в г.Стамбул, спущен на воду 3 июля 2017-го и введен в боевой состав флота страны 29 сентября 2019 года. Полное водоизмещение 2 030 т, длина 99 м, ширина 14.4 м, осадка 3.6 м. Экипаж 93 человека, зарезервированы места для дополнительного размещения 13 человек. В состав двухвальной главной энергетической установки (ГЭУ), выполненной по схеме CODAG, входят газотурбинный двигатель LM2500 мощностью 30 800 лошадиных сил и два дизеля фирмы MTU общей мощностью 11 580 лошадиных сил. Полная скорость хода 29 узлов, дальность плавания 3 500 миль при экономической скорости 15 узлов. Вооружение: две четырехконтейнерные пусковые установки (ПУ) противокорабельных ракет (ПКР) «Гарпун» блок 2, зенитно-ракетный комплекс RAM, 76-мм автоматическая установка «Супер Рапид», два 12.7-мм пулемета, два двухтрубных 324-мм торпедных аппарата. Радиоэлектронные средства корабля: автоматическая система боевого управления (АСБУ) Genesis, многофункциональная радиолокационная станция (РЛС) SMART-S Mk 2, РЛС управления огнем Sting, станция РЭБ ARES-2N, две ПУ постановки ложных целей, оптоэлектронная станция и гидроакустический комплекс. В кормовой части корабля оборудованы площадка и ангар для базирования вертолета S-70B «Си Хок».

ИСТРЕБИТЕЛЬ



ПЯТОГО ПОКОЛЕНИЯ

Принятие на вооружение тактического истребителя (ТИ) «Цзянь-20» стало значительным достижением китайской военной промышленности и это позволило КНР стать третьей страной после США и России, производящей ТИ пятого поколения. Самолёт создан специалистами научно-исследовательского авиационного института (авиапромышленной группы «Ченду»). Истребитель «Цзянь-20» представляет собой высокоплан, выполненный по аэродинамической схеме «утка» с треугольным крылом с наплывами, передним горизонтальным и вертикальным двухкилевым оперением с подфюзеляжными гребнями, оснащен двумя турбореактивными двигателями третьего поколения AL-31Ф М2 российского производства. Шасси самолета имеет три опоры: переднее колесо убирается вперед, основные стойки – в бортовые отсеки, что указывает на расположение отсека для вооружения в центральной части корпуса. При строительстве истребителя широко использовались композиционные материалы с измененной структурой кристаллической решетки с целью получения новых свойств. В комплект вооружения самолета входят управляемые ракеты класса «воздух-воздух» большой («Пили-21»), средней («Пили-15/-12») и малой дальности («Пили-10») китайского производства, а также авиационные бомбы. Основные ТТХ истребителя «Цзянь-20»: экипаж 1 человек, максимальная масса боевой нагрузки 7.8 т, максимальная взлетная масса 35 т, максимальная скорость 2.5 М, практический потолок 20 000 м, максимальная дальность полета 5 000 км, боевой радиус действия 2 000 км, длина фюзеляжа 21.26 м, размах крыла 12.88 м.

МАХСУС



ТЎР БИЛАН ЖИҲОЗЛАНГАН

Буюк Британиянинг «Оупэн-Уоркс инжиниринг» фирмаси мутахассислари томонидан яратилган «Скайволл-100» (SkyWall-100) типдаги пневматик гранатомёт кичик ўлчамли учувчисиз учиш аппаратлари (УУА)га қарши кураш олиб бориш, шунингдек, нотаниш УУАнинг қўриқланаётган ҳарбий объектнинг ҳаво бўшлиғига кириб келишига йўл қўймаслик учун мўлжалланган. Мазкур жанговар восита таркибига оптик-электрон ва лазерли масофа ўлчагич кирувчи прицел (нишонга олиш) блокига эга бўлган ишга тушириш қурилмасини ифодалайди. УУАни бартираф этиш оғирлаштиригичли тўр билан жиҳозланган, майда қисмларга бўлинувчи корпусли махсус гранатани отиш орқали амалга оширилади. Бевосита отиш олдидан граната дастурланади. Отилганидан сўнг парвознинг белгиланган нуқтасида граната корпуси автоматик равишда очилади ва ундан 8 м² ҳажмдаги мустаҳкам тўр отилиб чиқиб, УУАни ўраб олади ва унинг парвозини тўхтатади. Аппаратни ўрганиб чиқиш мақсадида ерга хавфсиз тушириш учун тўр парашют билан жиҳозланиши мумкин. Гранатомётдан отиш учун уч типдаги «жанговар» ва икки типдаги ўқув гранатасидан фойдаланилади. «Скайволл-100» ундан фойдаланувчи томонга камида 15 м/с тезликда ёки фронт бўйлаб 12.5 м/с тезликда ҳаракатланаётган УУАга зарба беришни таъминлайди. Нишонни яқсон қилишнинг минимал масофаси 10 метр, максимал – 150 метр. Қайта қувватлантириш вақти (газ баллонни алмаштирмасдан) – 8-10 сония. «Скайволл-100»нинг узунлиги 1.3 метр, оғирлиги 12 кг. У қисман бўлинган ҳолда қаттиқ кейсда олиб юрилади.

Qaror va ijro

IMTIYOZ ASOSIDA O'QIYAPTI

Surxondaryo viloyatida "Yoshlar daftari"da ro'yxatda turuvchi yoshlar "Vatanparvar" tashkiloti viloyat kengashi tasarrufidagi avtomototransport haydovchilarini tayyorlash kurslarida imtiyoz asosida o'qishga jalb etildi.



Surxondaryo viloyati hokimligi, "Vatanparvar" tashkiloti viloyat kengashi, Yoshlar ishlari agentligi viloyat boshqarmasi va mutasaddi tashkilotlarning mas'ullari hamda kurs o'quvchilari bo'lmish yoshlar, ularning ota-onalari ishtirokida o'tgan videoselektor yig'ilishida ushbu xushxabar e'lon qilindi.

Yig'ilish davomida "Vatanparvar" tashkiloti viloyat kengashi raisi Zufar Yusupovga Yoshlar ishlari agentligi viloyat boshqarmasi boshlig'i Jamshid Choriyev tomonidan 465 nafar yoshning o'qishi uchun "Yoshlar daftari"ga kiritilgan yoshlarni qo'llab-quvvatlash jamg'armasi hisobidan 558 million so'm miqdorida pul mablag'lari to'lab berilgani to'g'risidagi sertifikat topshirildi.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 4-oktabrdagi "Ijtimoiy himoyaga muhtoj yoshlarni qo'llab-quvvatlashning qo'shimcha chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaroriga muvofiq, ushbu yoshlarning o'qish xarajatlari bazaviy hisoblash miqdorining 4 baravar qismi qoplandi. Sodda qilib aytganda, 465 nafar yoshning har biri uchun 1 200 000 so'm miqdoridagi pul mablag'i to'lab berildi.

Videoselektor yig'ilishida so'zga chiqqan ota-onalar bu yangilik ularning hayotiga quvonch olib kirgani, respublikamiz bo'ylab yo'lga qo'yilgan bu tizim minglab yoshlarning bandligi ta'minlanishiga zamin yaratishini ta'kidladilar.

O'zbekiston mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkiloti matbuot xizmati

Futbol

СПОРТГА

БАХШИДА УМР

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази стадионида фахрийлар олий лигасининг 1-давра сўнгги учрашуви бўлиб ўтди. Унда «Авиатор» – «Интерспорт» футбол жамоалари ўзаро куч синашди.



Harbiy-vatanparvarlik

YOZGI OROMGOHDA MUSOBAQALAR

Navoiy viloyatining Qiziltepa tumanidagi "Do'stlik" bolalar yozgi oromgohida "Vatanparvar" tashkilotining tuman o'quv sport-texnika klubi hamda Ichki ishlar vazirligi Qorovul qo'shinlariga qarashli harbiy qism tomonidan "Mard askar – yoshlar uchun namuna" mavzusida harbiy-vatanparvarlik tadbiri o'tkazildi.



Unda oromgohda hordiq chiqarayotgan bolalar "Vatanparvar" tashkilotining sport seksiyalari ko'rgazmalari bilan tanishdilar. O'quv sport-texnika klubi xodimlari ularga "Vatanparvar" tashkilotining maqsad va vazifalari, yoshlarni harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, sportning texnik va amaliy turlarini ommalashtirish hamda texnik xodimlarni tayyorlash bo'yicha yaratilgan shart-sharoitlar, imkoniyatlar to'g'risida ma'lumot berdilar. "Vatanparvar" tashkiloti xodimlari o'quvchilarni tashkilotning bunday imkoniyatlaridan keng foydalanishga, tashkil etilayotgan harbiy-vatanparvarlik va ommaviy sport tadbirlarida faol ishtirok etishga chaqirdilar.

Bolalar harbiy qismda namunali xizmat qilayotgan askar o'g'lonlar bilan bevosita suhbatlashish imkoniga ega bo'ldilar. Askarlar harbiy qismda o'zlari uchun yaratilgan shart-sharoitlar to'g'risida so'zlash barobarida harbiy xizmat davomida qalblarida kechayotgan kechinmalari bilan o'rtoqlashdilar.

Ayniqsa, askarlarning shaxdam qadamlar tashlab, saf qo'shiqlarini kuylashi barchaga iliq kayfiyat ulashdi. O'z navbatida, askarlar yozgi oromgohda yaratilgan shart-sharoitlar bilan tanishdilar. So'ngra ular va bolalar o'rtasida shaxmat bo'yicha kichik bellashuvlar uyushtirildi.

«Металлург» каби футбол жамоалари сафида майдонга тушиб, мухлислар кўнглидан чуқур жой олганлиги тadbир иштирокчилари томонидан эътироф этилди. Унда сўзга чиққанлар Фазлиддин Шоимқуловнинг хизмат фаолияти, катта спортдаги ҳамда ҳозирги кундаги ютуқлари тўғрисида йиғилганларга сўзлаб берди ва эсдалик совғаларни топширди.

Шундан сўнг фахрийлар олий лигаси мусобақаси 1-даврасининг сўнгги футбол учрашуви бўлиб ўтди. Кўпчилик мухлислар қаршида чинакам футбол байрамига айланган мусобақага Мудофаа вазирлиги «Импульс» ҳарбий ансамбли хонандаларининг чиқишлари янада юқори кайфият бағишлади.

Мусобақа сўнгги 1-давранинг «Энг яхши ўйинчиси»га бериладиган мукофот «Интерспорт» фахрийлар футбол жамоаси капитани, турнир тўпурари, ўз вақтида миллий терма жамоамиз шарафини ҳимоя қилган моҳир ҳужумчи Павел Соломинга футбол фахрийси Азамат Абдураимов томонидан топширилди.

Нуриддин БОБОЕВ,
Фахрийлар олий лигаси ташкилотчиси

Bugunning yoshlari

Maqolamiz qahramoni Berdaq nomidagi Qoraqalpog' davlat universiteti talabasi, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti davlat stipendiyasi sohibi Dauletbay Sarsenbayev bo'ladi.



1993-yili Qoraqalpog'iston Respublikasining Qo'ng'iro't tumanida ishchi oilasida tug'ilgan Dauletbay bolalik yillaridanoq ilm olishga mehr qo'ydi. Albatta, insonning kamol topishida, yetuk inson bo'lib ulg'ayishida atrof-muhitning ta'siri katta. Dauletbayda ham shunday bo'ldi. U kitobsevar, ilmga mehr qo'ygan insonlar qurshovida ulg'aydi. Maktab yillarida aniq fanlarga mehr qo'yib, fan olimpiadalarida faxrli o'rnlarni egallardi. Shuning uchun uning nomi doim a'lochi o'quvchilar qatorida tilga olinardi. Maqtovlar, erishilgan yutuqlar Dauletbayni ilmga yanada yaqinlashtiraverdi.

ORZULAR

ALBATTAMALGA OSHADI

U maktabni imtiyozli shahodatnoma bilan tamomladi. So'ng kasb-hunar kollejida o'qidi. Kollejdagi tahsildan keyin oliy ta'lim muassasasiga hujjat topshirdi. Afsuski, shartnoma asosida o'qishga imkoniyati bo'lmagani sababli o'qishdan voz kechdi. Kelgusi yil esa armiya saflarida o'z yigitlik burchini o'tashga yo'l oldi. Bir yillik harbiy xizmat Dauletbayning o'ziga bo'lgan ishonchini yanada orttirib, maqsadlari sari intilishiga katta imkoniyatlar eshigini ochdi. Bu haqda u shunday deydi:

– Maktabda Vatan tuyg'usi degan fan o'qitilardi. O'qituvchimiz bizga Vatan – muqaddas, unga xizmat qilish esa oliy saodat ekanini hamisha uqtirgan. Harbiylar bilan uchrashuvlar tashkil etilar edi. O'sha paytlardayoq qalbmida harbiy sohaga qiziqish uyg'ongan. Yillar o'tib, orzularim ushaldi. Armiya men uchun katta maktab vazifasini o'tadi. Bolaligimdan sportning yengil atletika, boks turlari bilan shug'ullanib, faxrli natijalarni qo'lga kiritganman. Bu esa, o'z navbatida, armiyada o'z o'rnimni topishimga sabab bo'lgani shubhasiz. Harbiy xizmatdan so'ng tavsiyanomaga ega bo'lishim esa mening ilm yo'lidagi orzularim ushalishiga zamin yaratdi. Ya'ni men Berdaq nomidagi Qoraqalpog' davlat universitetiga byudjet asosida o'qishga qabul qilindim.

U universitetning bakalavr bosqichida elektrotexnika, elektromexanika va elektrotexnologiyalar ta'lim yo'nalishi bo'yicha tahsil oldi. O'z ustida ishlashni, izlanishni kanda qilmaydigan tirishqoq talaba 2018-yili O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi bakalavrlar uchun ta'xis etilgan Beruniy nomidagi davlat stipendiyasi sohibi bo'ldi.

– Universitetga o'qishga kirish orzum edi. Bu orzu ushalganidan so'ng oldimga rejali maqsad qo'yganman, – deydi suhbatdoshimiz. – Ya'ni bakalavr bosqichida ham, magistraturada ham albatta, davlat stipendiyalariga ega bo'lishim shart, deganman o'zimga. Maqsadlarim sari intildim. Ilmli ustozlarimning etagidan mahkam tutdim. Loyihalar yaratdim, ular haqida maqolalar yozdim. Bu intilishlarim besamar ketmaganidan xursandman.

2018–2021-yillar yosh olim hayotida ulkan muvaffaqiyatlar yili bo'ldi. Chunki 2021-yili O'zbekiston Respublikasi mustaqilligining 30 yilligi munosabati bilan Qoraqalpog'iston Respublikasi Jo'qorg'i Kengesi Prezidiumining tegishli qaroriga muvofiq, Dauletbayning "Умит ушқын" ko'krak nishoni bilan taqdirlangani universitet yoshlari qalbmida cheksiz faxr-u g'urur, havas tuyg'ularini uyg'otdi. 2022-yili O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi magistratlari uchun

ta'xis etilgan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining davlat stipendiyasi tanlovi g'olibi bo'lish baxti ham Dauletbay Sarsenbayevga nasib etdi.

Dauletbay shu kungacha xalqaro, respublika va universitet miqyosida o'tkazilgan ilmiy-amaliy anjumanlarda ilmiy maqolalari bilan faol ishtirok etib keldi. Uning ilmiy maqola va tezislari Rossiya, Ukraina, Polsha, AQSh, Kanada, Avstriya, Hindiston, Serbiya, Chexiya va Ispaniya davlatlarida chop etilgan.

– Inson orzu qildimi, unga erishish uchun albatta harakat qilishi kerak. To'g'ri, qiyinchiliklar bo'ladi. Lekin qalbda ishonch, bilakda kuch-g'ayrat bo'lsa, har qanday qiyinchilikni yengib o'tsa bo'ladi, – deydi Dauletbay. – Faqat xohish va intilish bo'lsa bas. Prezidentimizning qoraqalpog' yoshlariga bildirayotgan ishonchi bizlarni quvontiradi. Men davlatimiz rahbari bilan uch marotaba uchrashish baxtiga muyassar bo'lganman. Ilk marotaba Beruniy tumanida yangi shamol elektr stansiyasiga tamal toshi qo'yish marosimida yosh olim, mutaxassis sifatida men ham ishtirok etgandim. Tadbirga menga so'z berilib, qoraqalpog' yoshlari nomidan Prezidentimizga o'z minnatdorligimni bildirganman. O'shanda kelajakdagi orzularim haqida gapirib berdim. Meni quvontirgani Prezidentimiz: "Rahmat, sendek farzandim borligidan faxrlanaman", deb quchoqlaganida qalbm g'ururga to'lgan. Yurtboshimizning, xalqimizning yuksak ishonchini oqlash uchun bor bilim va tajribamga tayanib, yurt ravnaqi yo'lida xizmat qilaman.

Dauletbay Sarsenbayev yurtimizning umidli yoshlaridan biri. Shunday ekan, yosh olimning xalqning hayotini yaxshilashga qaratilgan ezgu loyihalari amalga oshishiga tilakdoshmiz. Vatanimizda Dauletbay singari ilmli o'g'lonlar safi kengayaversin.

Shohista ABDURAHMONOVA

Mudofaaga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkilotlarida



Yosh avlodni ona Vatanga sadoqat ruhida tarbiyalash O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkilotining birinchi galdagi vazifasidir. Xususan, tashkilotning Namangan viloyati kengashi tasarrufidagi Yangiqo'rg'on tumani o'quv sport-texnika klubida bu borada ko'plab amaliy ishlar bajarilmoqda.

Mushtarak maqsadlar mezonida o'quv sport-texnika klubi jamoasi tumandagi bir qancha davlat va jamoat tashkilotlari bilan uzviy hamkorlikni yo'lga qo'ygan.

– Mamlakatimiz hukumati tomonidan yoshlar ma'naviyatini yuksaltirish hamda ularni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashga alohida e'tibor qaratilmoqda, – deydi O'STK boshlig'i Alijon Tojiboyev. – Bu borada albatta hukumat qarorlari muhim o'rin tutadi. Shu bois tegishli qarorlar ijrosini ta'minlash maqsadida turli mavzularda ma'naviy-ma'rifiy hamda sport tadbirlari tashkil etilmoqda. Ma'lumki, mamlakatimiz kelajagi bo'lmish yoshlarni ma'naviy jihatdan boy, jismonan sog'lom, Vatan himoyasiga shay qilib tarbiyalashda sport alohida o'rin egallaydi. Shu maqsadda sportning texnik va amaliy turlarini aholi o'rtasida keng targ'ib qilish bo'yicha qator ishlar qilindi. "Havo miltig'idan o'q otish", "Motosport", "Karting" hamda "Yozgi biatlon" kabi seksiyalarimizda 50 nafardan ziyod yosh

YUQORI NATIJALAR YANGI MARRALARGA UNDAR



muntazam shug'ullanmoqda. Sportning texnik va amaliy turlarini rivojlantirish rejasiga asosan, tuman miqyosida yoshlar ishtirokida bir necha bor sport musobaqalari tashkil etildi. Tuman xalq ta'limi bo'limi bilan hamkorlikda o'tkazilgan musobaqalarda mingdan ortiq o'quvchi ishtirok etdi. Shuningdek, tashkilotga a'zo sportchi yoshlar viloyat va respublika musobaqalarida faol qatnashib, sovrinli o'rnlarni qo'lga kiritayotgani quvonarli hol. Albatta, egallanayotgan marralar yoshlarni yanada ruhlantirib, o'z ustida ishlashi, shug'ullanishi hamda yanada yaxshi natijalarga erishishga imkon yaratyapti. Tashkilotda ayni paytda "B", "BC", "BE", "CE" toifali haydovchilar tayyorlanmoqda.

Mavjud moddiy-texnik baza, avtomobillar parki, avtodrom, o'quv xonalari, zamonaviy o'quv avtomobillari uyg'unlikda malakali haydovchilar tayyorlash rejasini oshirib bajarish imkonini bermoqda.

Fursatdan foydalanib, Yangiqo'rg'on tumani o'quv sport-texnika klubi jamoasi tumanda istiqomat qilayotgan barcha yoshlarni "B", "BC", "BE", "CE" toifali haydovchilik kurslariga o'qishga hamda sportning texnik va amaliy turlari – "Havo miltig'idan o'q otish", "Karting", "Motosport" hamda "Yozgi biatlon" kabi seksiya va to'garaklarda shug'ullanishga taklif etadi. Mashg'ulotlar malakali mutaxassislar tomonidan olib borilishi kafolatlanadi.

Yangiqo'rg'on tumani "Navkent" QFY, "Vatanparvar" tashkiloti o'quv binosi.

97 252-33-26; 69 633-41-53.

Sog'lom turmush tarzi

ЁЗНИ МАРОҚЛИ ЎТКАЗАЙ ДЕСАНГИЗ...

Ўлкамизда ёз фасли ҳукм сурмоқда. Бу йил фаслнинг бошланиши бироз салқинроқ бўлди. Лекин кунлар ўтиб, ҳаво ҳарорати кескин кўтарилиб, аномал даражага етди ва бу айниқса, кексалар, сурункали касалликлар (*юррак-қон томир, эндокрин, нафас олиш аъзолари, метаболик ва руҳий хасталиклар*) билан оғрийдиган беморларга бирмунча қийинчилик туғдирмоқда. Хўш, шундай вазиятда иссиқ ҳарорат таъсиридан қандай сақланиш, мавсумда қандай кийиниш ва овқатланиш лозим? Қуйида шу ҳақда маълумот берамиз.

АВВАЛО, ҚУЁШ УРИШИДАН САҚЛАНИНГ!

Қуёш нури инсон саломатлиги учун жуда фойдали. Айниқса, инфрақизил нурлар танада қон айланишини яхшилаб, организмдаги барча ҳаётий жараёнларни фаоллаштиради. Бироқ қуёшдан келадиган иссиқлик ҳар доим ҳам инсон танасига фойдали таъсир этавермайди. Айниқса, ёз фаслида. Шунинг учун жазирама кунларда, аввало, бошни қуёш нуридан асраш муҳим. Чунки бош миядан катта артерия, вена қон томирлари ўтган бўлиб, куннинг иссиқ вақтида бош кийимсиз юрганда бош қизийди ва бутун танада иссиқ қон айланиб, инсонларни офтоб уришига олиб келиши мумкин. Жазирама пайти қуёш уриши энг хавфли ҳолатдир. Чунки бундай вазиятда беморда кўнгил айниши, қушиш, бурундан қон кетиши, кўришнинг бузилиши, юрак уриши ва нафас олиши кучаяди. Оғир ҳолатларда эса алаҳсираш бошланади. Тана ҳарорати, ҳатто, 41-42 даражагача кўтарилиши, чуқур беҳушлик ҳолати кузатилиши мумкин.

БИРИНЧИ ТИББИЙ ЁРДАМ

Қуёш урган беморни, энг аввало, салқин жойга кўчириб ўтказиш лозим. Сўнг горизонтал ҳолда ётқизиб, оёқларини сал кўтариш, кийимларини ечиш, юзини совуқ сувда ювиш ва бирор ҳўлланган матони юрак соҳасига қўйиш керак.

Шунингдек, унга салқин ичимлик ёки қатик ичириш ва зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш лозим.

ОВҚАТЛАНИШ РАЦИОНИГА ЭЪТИБОРЛИ БЎЛИНГ

Танада сув балансини ушлаб туриш учун кунига ўртача 2-3 литр суюқлик (*совитилган кўк чой, газсиз минерал сув, мевали, кам ёғли сутли ичимликлар, қуритилган меваларнинг қайнатмалари*) ичиш организм фаолиятини яхши ишлашга ва сув-туз балансини меъёрлаштиришга ёрдам беради. Шунингдек, иссиқ кунда ёғли гўшт маҳсулотлари истеъмолини камайтириб, кўпроқ энгил ҳазм бўлувчи таомлар тановул қилиш мақсадга мувофиқ. Қолаверса, мева ва сабзавотлар организмга яхши сингил, ички аъзолар фаолиятини нормаллаштиришга ёрдам беради, чанқоқни қондиради ҳамда организмни керакли минерал модда ва витаминлар билан тўйинтиради.

Шу билан бирга, ёз фаслида овқатланиш вақтини бироз ўзгартириш тавсия қилинади. Унга кўра: 7:00 нонушта. Унда оқсил, ёғ ва углеводга бой ва юқори калорияли маҳсулотлар (*творог, қаймоқ, сутли чой, мева, сабзавот, сувда пиширилган гўшт ва шунга ўхшаш маҳсулотлар*) бўлиши ва бу жами кунлик рационнинг 35 фоизини ташкил этиши лозим.

Тушликда энгил ҳазм бўлувчи биринчи таом, яъни мошхўрда, мастава, мампар, сувда ёки буғда тайёрланган котлетлардан иборат бўлса, нур устига нур.

Кечки таомлар ҳам жуда энгил ҳазм бўладиган суюқ овқатлардан иборат бўлиши керак. Бунинг учун қатик, кефир, олма, турли сабзавотлар ва шунга ўхшаш углеводларга бой бўлмаган маҳсулотларни истеъмоли қилиш лозим.

Қовун ва тарвуз эса тушлик вақтида ейилса, айнаи муддаодир. Чунки улар углеводларга бой ва организмга қувват беради. Айниқса, тарвуз чанқоқни босади. Бодринг, помидор, салатлар, пиёз, кўкпиёз, кўкатлар ҳар кун дас-турхонингизда бўлиши керак. Ҳўл мевалардан тайёрланган шарбатлар таркибида шакар имкон қадар бўлмаслиги лозим.

МУТЛАҚО ТАВСИЯ ЭТИЛМАЙДИ

Ёзнинг иссиқ кунларида шўр балиқ, дудланган гўшт, консерва, тузли маҳсулотларни истеъмоли қилиш умуман тавсия этилмайди. Чунки улар чанқаш ҳолатини янада кучайтиради.

Қолаверса, ёғли гўшт, аччиқ егуликларни таомномадан чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ. Чунки улар танада иссиқлик ишлаб чиқаришни янада кучайтириб, ҳазми қийинлаштиради. Бу эса организмнинг иссиқлик билан курашиш ва метаболизмни тартибга солиш ўрнига, ҳазм учун энергия сарфлашига олиб келади.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ёз кунларида хиёбон ва кўча ён атрофларида қўлбола усулларда тайёрланиб, истеъмоли учун чиқарилган турли шарбат, айрон, гўжа ҳамда шу турдаги маҳсулотларни харид қилмаган маъқул. Боиси кун давомида қуёш нури тушиб турган ҳамда истеъмолга яроқлилик белгиси мавжуд бўлмаган бу турдаги маҳсулотлар саломатлик учун ўта хавфли бўлиб, турли нохуш вазиятларни келтириб чиқариши мумкин.

ҚАНДАЙ КИЙИНИШ КЕРАК?

Энг аввало, кўчага чиқаётганда очиқ рангли табиий матолардан тикилган энгил либос кийиш лозим. Чунки табиий матодан тикилган кийим ҳавони яхши ўтказиб, қуёш нури қайтаради. Терининг нафас олишига имкон яратади ҳамда тана ҳароратининг кўтарилиб кетишига тўсқинлик қилади. Қолаверса, иссиқдан сақлайдиган бош кийим, кўзойнак ва соябонлардан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқ.

ТУШ ПАЙТИДА КЎЧАГА ЧИҚМАНГ!

Қуёш нури 12.00 дан 16.00 гача жуда ҳам фаол ҳолатда бўлади. Шунинг учун бу вақт оралиғида кўчага чиқмаган маъқул. Аммо вазият тақозоси билан шу вақт оралиғида ташқарига чиқишга тўғри келса, тананинг очиқ жойларини қуёш нуридан сақлашга ҳаракат қилиш даркор.

Қолаверса, жазирама пайти имкон қадар тўғридан-тўғри қуёш нури тушадиган жойда жисмоний меҳнат билан шуғулланмаслик тавсия этилади. Агар шундай бўлган тақдирда қуёшдан ҳимояланиш учун бош кийим кийиш, ора-орада салқин жойда дам олиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, саломатлик билан боғлиқ бўлган турли нохуш вазиятларнинг олдини олиш мақсадида кун давомида илиқ душ қабул қилиш, вақти-вақти билан баданни совуқ сувда намланган дастрўмол билан артиб туриш танани ҳаддан зиёд қизиқ кетишдан сақлайди.

III даражали сержант
Олим БЕРДИЕВ



Bu qiziq!

ҲАММАСИ

ШАХМАТ

ҲАҚИДА

мот» деб аталади. У икки юришдан иборат: 1. f3 e5 ва 2. g4 Qh4++. Энг узоқ вақт ўйналган шахмат партияси 1989 йили Белградда Иван Николич ва Горан Арсович ўртасида бўлиб ўтган. Бу ўйин 269 юришдан иборат бўлган ва 20 соат 15 дақиқа давом этган бўлса-да, натижа дуранг билан якунланган. Гарри Каспаров бир куни «Шахмат — бу ақл озори» деган эди. Шу сабаб шахматни жисмоний спорт туридан боксга қиёслаш мумкин ва ушбу икки спорт турини умумлаштириганда, «шахбокс» сўзи пайдо бўлади.

ФАРЗИН

Шахматда асосий фигура ҳисобланган Фарзин бошида диагонал бўйлаб битта катакка юрган ҳолос. Ҳозирга келиб бу фигура диагонал бўйича ҳам горизонтал, ҳам вертикал катак бўйлаб ҳаракатланиши мумкин.

КЎЗИ ОЖИЗЛАР ШАХМАТИ

Бу шахмат турида кўзи ожиз спортчилар фигураларни ҳаракатлантиришда ёрдамчилар хизматидан фойдаланишади. Кўзи ожизлардан ҳам кучли шахматчилар етишиб чиққан. Улардан бири венгриялик Янош Флеш шахматда рекордчи ҳисобланади. У кўзлари боғлиқ ҳолда, бир вақтнинг ўзида 52 та рақиб билан ўйнаган ва 32 та ўйинда ғалаба қозонган.

ИМКОНИАТНИНГ ЧЕКСИЗЛИГИ

Доналарнинг уч юришидан кейин ҳар икки томонда ҳам фигураларнинг 9 миллиондан ортиқ эҳтимолий позицияси пайдо бўлар экан. Америкалик

математик Шенон ноёб ўйинлардан бирини ҳисоблаб чиқади. Унинг фикрича, эҳтимолий позициялар миқдори Ер юзасидаги атомлар сонидан кўпроқ экан. Атомлар сони 10^{79} дея белгиланган, кам учрайдиган шахмат партияси 10^{120} ни ташкил этади.

ШАХМАТ КОМПЬЮТЕРДА

Жаҳон чемпиони Гарри Каспаров шахмат тарихида энг кучли ўйинчи сифатида қайд этилган. Аммо 1997 йилда компьютерда «Deep Blue» дастури бўйича шахмат ўйнайди ва ютқазади. Бу ҳолатга бутун дунё ҳайратдан ёқа ушлайди. 2006 йили жаҳон чемпиони Владимир Крамник «Deep Fritz» дастурини энгади. Бугун компьютер шахмат ўйинлари анча кучайтирилган бўлиб, гроссмейстер даражасига тенглаштирилмоқда.

УХЛАБ ҚОЛМАСЛИК УЧУН ШАХМАТ СОАТЛАРИ

1851 йилда шахмат бўйича ўтказилган турнирда ёрдамчи ҳакам ўйинчиларнинг ухлаб қолгани сабабли партия тугалланмаганини қайд этиб кўяди. Бир йилдан кейин бўлиб ўтган халқаро турнирда вақтни назорат қилиш учун кум соатдан фойдаланилган. 1883 йили британиялик Томас Уилсон томонидан механик шахмат соатлари яратилади.

АҚЛ ГИМНАСТИКАСИ

Психологлар шахмат хотирани яхшилашнинг энг самарали усули эканини жуда кўп такрорлайди. Оғир вазиятларда тез ва тўғри қарор чиқариш, ноодатий ғояларнинг туғилиши, хуллас, ақл билан боғлиқ барча ҳолатларда бу спорт турининг ўрни беқиёс. Қолаверса, миянинг иккала яримшарининг ишлаш имкониятини оширишга ёрдам берар экан.

КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА НОМЛАНИШИ

Шахмат қадимги Ҳиндистонда VI асрларда пайдо бўлган ўйин бўлиб, уни «чатуранг» деб аташган. Бу сўз «тўрт қисмдан иборат кўшин» деган маънони англатар эди. Булар: пиёдалар, отлиқлар, филлар ва рух. VII асрда форсларга кириб келган «чатуранг» «шатранж» дея талаффуз қилинган. Бунга ҳам қаноатланмаган форслар «шатранж»ни «шахмат» (форс тилида «шоҳ» рақибига ҳужум қилади ва уни «мот» қилади, яъни «ўлдирди»)га алмаштиришади.

ШАХМАТ АВТОМАТИ

1770 йилда венгриялик Вольфганг фон Кемпелен шахмат автоматини ихтиро қилади. Механик қўллар фигуранини полда ҳаракатлантирган ва машҳур рақибларни ютишган. Кўп йиллар ўтганидан кейин маълум бўлдики, Кемпелен ихтиро қилган машина «ақлли» механизм эмас, балки уни шахматчи ичкарида ўтириб бошқарган экан.

ЭНГ ҚИСҚА ВА ЭНГ УЗОҚ ВАҚТ ЎЙНАЛГАН ШАХМАТ ЎЙИНИ

Энг қисқа давом этадиган шахмат партияси «аҳмоқона

BIR CHIMDIM

Yagona haqiqiy xato bu o'tgan xatolaringizni tuzata olmaslikdir.

KONFUTSIY

MANTIQNI YOQ

1904-yildagi oziq-ovqat yarmarkasida ilk bor muzqaymoqni vaflid idishlarda qadoqlab ishlab chiqarish yo'lga qo'yiladi. Bu katta shov-shuvga sabab bo'ladi. Ilgari shisha idishlarga solib beriladigan muzqaymoqlar endi vaflidan yasalgan idishga solib berila boshlangan edi.

Savol: bundan qaysi soha vakillari eng ko'p xursand bo'lishgan?



Javob: shifokorlar. Chunki shisha idish ko'p marta ishlatiladi, yuviladi. Undan qayta-qayta foydalaniladi. Bundan yuqumli kasallik yuqishi ko'payadi. Yangi qadoqlash usulida esa shifokorlarning ishi osonlashgan.



Abdulla Qodiriyning o'g'li Habibullo Qodiriy dadasi haqida yozgan kitobida otasi ertalab azonda ishga tushib yozishini, keyin bolalari bilan nonushta qilib, bolalar bilan biroz o'ynab, yana yozishga o'tirishini qayd etgan. Bu orada vaqti-vaqti bilan uyga ham qarashgan ekan. O'tin yorgandan keyin "po'sht-po'sht", degan tomga chiqib, qor kuragan ekan.

Savol: aytinch-chi, yozuvchi nega tomga chiqishi bilan, "po'sht-po'sht", degan?



Javob: tomdag'i balandlikdan qo'shni'lar ham ko'tinadi. Agar hovlida pomaltram ayollar yurgan bo'lsa, ular ichkariga kitib tushishi uchun, ya'ni begona odam tomga chiqayotganini bildirish uchun "po'sht-po'sht", deb eslatib turgan.

@Vatanparvargazetasi_bot
"Vatanparvar" birlashgan tahririyati bilan bog'lanish uchun telegram bot



SHU SONNING ELEKTRON SHAKLI

III dаражали сержант Олим БЕРДИЕВ тайёрлади.

VATANPARVAR

MUASSIS



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUDOFAA VAZIRLIGI

www.mudofaa.uz

Tahririyat kengashi:

polkovnik Hamdam Qarshiyev
polkovnik Otabek Yuldashev
polkovnik Alisher Boboxonov
Maqsud Abilov

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va mualliflarga qaytarilmaydi. Mudofaa vazirligi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar departamenti – "Vatanparvar" birlashgan tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

Bosh muharrir:

podpolkovnik Ahror Ochilov

ISSN 2010-5541

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2008-yil 6-iyunda 0535 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Telefonlar:

kotibiyat: 71 260-36-50
buxgalteriya: 71 260-35-20
yuridik bo'lim: 71 260-29-41
faks: 71 260-32-29

Navbatchi: leytenant Dilshod Ro'ziqulov

Sahifalovchi: Nodirabegim Valiyeva
Musahhih: Sayyora Meliqo'ziyeva

Buyurtma: G-0705
Hajmi: 6 bosma taboq
Bichimi: A3
Adadi: 29 397 nusxa
Bosishga topshirish vaqti: 14:00
Topshirildi: 14:30

Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Gazeta juma kuni chiqadi. Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqq boshlagan.

Nashr ko'rsatkichi: 114. Bahosi: kelishilgan narxda.

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasida chop etildi. Bosmaxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6

Manzilimiz: 100164, Toshkent, Universitet ko'chasi, 1-uy.